Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

12 сентябрь 1972 йил, сешанба ◆ № 214 (15.385). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! *Йил бўйи ҳалол меҳнат қилиб, пешана тери тўкиб қилган меҳнатимиз маҳсули «оқ олтин»ни тезда йиғиб-териб олайлик* * Дефолиацияни жуда қисқа муддатларда тез ва сифатли ўтказайлик * Машиналар пахта теримига беками-кўст шай қилиб қўйилсин. * Терим суръатини кун сайин оширайлик!

САМОЛЁТЛАР ПАРВОЗИ

АНДИЖОН. (Жамоатчи мухбиримиздан). Область механизаторлари бу йил пахта ҳосилининг ярмини — 275 минг тоннасини машиналарда териб олиш учун астойдил курашмоқдалар. Шу кунларда ҳамма районларда терим агрегатлари қайриладиган жойларни дорилаш ва тайёрлашга қизғин киришилди. Областнинг Бўз районида қишлоқ хўжалик авиацияси ёрдамида ғўзаларни дефолиация қилиш бошлаб юборилди. Избосган, Балиқчи районларида, шунингдек Кўрғонтепа районидаги «Ойим» совхозида ҳам ғўза барглари сунъий тўктирила бошлади. Областда дастлабки минг гектар майдон дефолиация қилинди.

САРИОСИЁ. «Коммунизм» колхозида кўлмнинг килограммчи теримчилар сони ўтган йилдагидан тенгма-тенг кўпайди. Уларнинг ҳаммаси мавсумда беш минг килограммдан 20 минг килограммгача пахта териш мажбуриятини олди. Сўзи билан иши бир чевар теримчилар шу кунларда жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Норҳол Полвонова, Майрам Одинаева, Хайринисо Саидова, Салима Низомова, Нисо Мейлиқуловалар ҳар куни 180-200 килограммдан «оқ олтин» териб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Меҳнат интизоми мустаҳкамланиши, терим соатлик график асосида ташкил қилиниши, барча теримчилар кунлик графикни ошириб адо этишлари туфайли Х. Лайлаков, Х. Бобоева, А. Холбобоев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда кунига йиллик планнинг 2 процентидан ошириб пахта тайёрланяпти. Колхоз бўйича кунлик ўсиш бир ярим процентга етиб қолди.

Р. ТИЛАКОВ.

УЙЧИ. Охунбобоев номли колхоз механизаторлари даштлик ердан 60 гектарини ўзлаштириб чигит экиб эдилар. Ғўза парварими агротехника қоидалари асосида ўтказилиши туфайли юқори ҳосил етиштирилди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 8-10 та кўсак очилди. Дефолиация ҳам сифатли ўтказилди. Бригада аъзолари гектаридан 37 ярим центнердан ҳосил кўтаришга

ЗАФАР сатрлари

аҳд қилдилар. Ялпи пахтанинг 70 процента машинада терилади. «Зангори кема» эрта-индин ишга туширилади.

Э. ИСАБОЕВ.

ҚУВА. Абдуманнон Мавлонов бошлиқ бригада аъзолари колхозда биринчи бўлиб пахта теримини бошладилар. Биринчи куни ҳамма теримчилар яхши кўрсаткичга эришди. Давлатхон Ҳасанова, Кароматхон Эргашева каби ўнлаб меҳнатсеварлар бир кунда икки кунлик норма миқдорида пахта терди. Ўтган йили бригадада 40 кишн кўпмиг килограммчилик ҳаракатига қўшилган эди. Бу йил уларнинг сони яна 20 кишига кўпайди. Бригадада мавсум давомида уч минг килограммдан кам пахта терадиган киши бўлмайди. Илғор теримчилар эса 15 минг килограммлик маррани кўзлаб иш тутмоқдалар.

У. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ВОРОШИЛОВ. Свердлов номли колхознинг Халим Аҳадов бошлиқ бригадаси аъзолари ёз ойлари давомида астойдил меҳнат қилиб, ҳамма майдонларда пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Яқинда бригада аъзоларининг йиғилиши бўлиб, ҳосил чўғи ҳисоблаб кўрилган ҳолда янги мажбурият қабул қилинди. Бригада ҳар гектар ердан аввалги 35 центнер ўрнига 42 центнердан хирмон кўтаради, ҳосилнинг ҳаммасини биринчи сортга сотади.

Шу бригадада хизмат қилаётган механик-ҳайдовчи Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Абдулҳай Тошўлатов мавсумда 300 тонна пахта териш мажбуриятини олиб, фидокорлик билан ишлаяпти.

Т. ТЎҚЛИБОЕВ, М. ТЎЛАМЕТОВ.

ЗАДАРЁ. «Гулбог» совхози аҳолиси Оқтоевларни механизаторлар оиласи деб атайди. Бу бежиз эмас. Бу оила аъзоларидан уч киши — Иномиддин, Мирзахалил ва Икромиддин механизатор бўлиб ишлайди. Бу йилги пахта теримн мавсумида ака-укалар машиналарда 1150 тонна пахта теришга азму қарор этишди. Иномиддин «пўлат этак»дан 400 тонна, Мирзахалил 450 тонна, Икромиддин 300 тонна дурдона тўкди.

А. АББОСОВ,

ПАХТАЗОР ТАШАББУСГА ЧОРЛАЙДИ

ЕТТИ БАҲОДИР

1. Ҳафиз ПОЛВОНОВ.

Машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Полвонов бу йил янги ташаббус билан майдонга чиқди. Марҳамат районидаги Ильич номли колхознинг энг кам ҳосилли участкасидан 81 гектар ер олиб комплекс механизациялашган бригада тузди. Бригадада Ҳафиз Полвоновнинг ўзи билан етти киши ишлаяпти: Абдулазиз Полвонов, Ҳакимжон Бекмирзаев, Турғунбой Усмонов, Отақўзи Алиқулов, Ҳасанбой Ашуров ва Мақсудали Бобоев ўртоқлар Ҳафиз Полвоновнинг ватанпарварлик чақириғига қўшилиб, янги бригадага ишга ўтишди. Уларнинг ҳаммаси техниканинг «сири»ни беш қўлдек билади. Бири ғўзага сув тараса, бири қатор ораларига ишлов беради. Бири ҳашаротга қарши курашса, иккинчиси ўғит солади.

Бригадада кетмондан воз кечилган, ҳамма иш машиналар ёрдамида бажарилмоқда. Бригада нарядсиз ишлайди. Азаматлар ҳар гектар ердан 40 центнердан хирмон кўтаришга, областда энг арзон пахта етиштиришга аҳд қилишган. Бултур Ҳафиз Полвонов бригадасида бир центнер пахтанинг таннархи 16 сўмга тўғри келган эди. Бу йил эса бир центнер пахта таннархи 12 сўмга тушади. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 46 тоннадан пахта етиштирилади. Ҳосилнинг ҳаммаси машинада териб олинади. Пахта тез, тоза ва тўкмай терилади. Тўкилган пахтани терадиган кишига тўланадиган ҳақ ҳам механизаторга қўшиб берилади.

Ҳафиз Полвонов ва унинг шогирдлари бошлаган ватанпарварлик ташаббусини Андижон область партия комитети маъқуллади. «Бир одамнинг эзгу иши мингга, минг одамнинг эзгу иши туманга» деганларидек, етти баҳодирнинг бошлаган қутлуғ иши эл оғзига тушди. Ҳафиз Полвоновнинг ўзи бу йилги мавсумда 750 тонна пахта теришга сўз берди.

Қаҳрамон бригадасида иш яхши кетяпти. Ғўза етти марта ишловдан чиқди. Икки марта азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилди. Бир марта маҳаллий ўғитга тўйдирилди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 10-12 тадан бўлиқ кўсак бор. Шона, гул гуж-гуж. 81 гектар ғўзанинг ҳаммаси машина теримга мослаб ўстирилди, бегона ўтдан тозаланди. Барча майдондаги пахтани Ҳафиз Полвоновнинг бир ўзи теради. «Пўлат от»ни шай қилиб қўйди. Кўсакларнинг 50-60 процента очилиши билан теримни бошлаб юборади.

Қуйида Ҳафиз Полвоновнинг шогирдлари билан танишасиз.

2. Абдулазиз ПОЛВОНОВ

Бу одамни Марҳамат районида ҳам, областда ҳам уни танишмас эди. Доимо «оқ олтин» учун курашаётганларнинг олдинги сафида борса ҳам мақталмасди. У ҳақда газеталарда ёзилмаган, сурати матбуотда босиб чиқарилмаган. Унинг номи бугун биринчи марта қаламга олинянти.

Абдулазиз — машҳур механизатор Ҳафиз Полвоновнинг укаси. У илгари Ильич номли колхознинг 18-бригадасида трактор ҳайдарди. Терим маҳалида эса «пўлат от»га ўтириб пахта терарди. Бу йил акаси билан бирга ишлаяпти. Бир онладан энди икки механизатор, икки «пўлат от» жиловдори бир бригада даласида жавлон ура бошлади.

Абдулазиз ҳам Ҳафиз Полвонов сингари камтар, ишчан одам. Ғўзанинг «тили»ни яхши билади. Ҳосилнинг тақдири ҳақида қайғуриш, қаерга қачон трактор қўйиш, экинни аъло даражада парвариш қилиш зарурлигини тўла ҳис этади. Ака-уна 81 гектар ерга чигит экди, қатор ораларига ишлов берди.

Қаҳрамоннинг бригадаси эришаётган ютуқларда Абдулазизнинг ҳам ҳиссаси бор.

3. Отақўзи АЛИҚУЛОВ

Бу ишчан ва тадбиркор йигит 18-бригадага йигирма йил сувчи бўлиб ишлади. Тўғри суғориш ғўза учун қанчалик катта аҳамиятга эгалигини тушунди. Отақўзи Ҳафиз Полвонов билан бирга ишлашга бел боғлади. Эзнинг жазирама офтобида ғўзалар билан «гаплашди», уларга вақтида сув бериб турди.

4. Ҳакимжон БЕКМИРЗАЕВ

Ҳафиз Полвонов бригадасида Ҳакимжон Бекмирзаев деган ажойиб йигит бор. 27 ёшда. Ўрта мактабни битиргач, ҳарбий хизматга жўнади. Армиядан келгач, колхозда тракторчи бўлиб ишлади. Ер ҳайдади, чигит экди. Қатор ораларига ишлов беришда фидокорлик кўрсатди. Пахта маҳалида прицеп билан «оқ олтин» ташиди. Тиниб-тинчимади. Ҳар ишда бошқаларга ибрат бўлди. Қаҳрамоннинг бригадасига ишга ўтгандан кейин тракторчиман деб ўтирмади. Дуч келган ишни қойиллатди. «Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз», деган нақлга амал қилди. 5-6 касбни эгаллади. Ғўза парваришида фаол қатнашди. Кўпинча дала шийпонида ётиб қолади. Чунки ҳамма шароит муҳайё.

5. Ҳасанбой АШУРОВ

Унинг босиб ўтган ҳаёт йўлини ибрат намунаси қилиб кўрсатса арзигулик. Унинг пахтачиликдаги тажрибаси 25 йилдан ошди. Ҳар бир йилнинг ўз тарихи, ўз тавсифи бор. Ҳасанбой Ашуров шунча йил ғўза суғорди. Уста сувчи сифатида ҳамманинг иззат-ҳурматига сазовор бўлди.

Ҳасанбой Ашуров бу бригадада ҳам севган касби — сувчилик қилди. Унинг иш тажрибасини ҳар қанча ўрганса, оммалаштирса арзийди. Тунлари ҳам мижжа қоқмай эгат оралади. Пахтазор бўйлаб эринмай одимлаб, ҳар туп ғўзанинг мириқиб сув ичиши учун жон куйдирди. Бригадирнинг суянган тоғи у.

6. Турғунбой УСМОНОВ

Турғунбой ҳам кўпни кўрган, мириқкор сувчи. Ҳасанбой билан елкама-елка туриб астойдил ишлади. У илгари трактор эди. Кейинчалик прицепда ишлаган. Нормани системали равишда ошириб бажаряпти. Иш тиғиз келиб қолганда яна тракторига ўтириб теримга ёрдам беради. Ҳамқишлоқлари уни «универсал одам» дейишади.

7. Мақсудали БОБОЕВ

Ҳафиз Полвонов шогирдлари ҳақида гап кетганда Мақсудали Бобоевнинг номини ҳурмат билан тилга олади:

— У бутун кучини, қалбини ғўзага бағишлаяпти. Бригадамиз ташкил қилинган кундан буён тиним билмайди. Унинг бирор соат хотиржам ўтирганини кўрганим йўқ. Мен ундан миннатдорман. Ҳа, бригадамизнинг ҳамма аъзоларидан миннатдорман, — дейди бригада бошлиғи.

Бригадирнинг хурсанд бўлганича бор. Етти баҳодирдан ташкил топган бу аҳил коллективга ҳавас қилса, эргашса арзийди.

Р. РАҲМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

100.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахта териш ва давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1972 йил 11 сентябрга бўлган якунларини қараб чиқиб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга бердилар:

— **Қашқадарё областига** (область партия комитетининг секретари **Р. Ғ. Ғойибов**, область ижроия комитетининг раиси **З. Сирожиддинов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **М. Саидов**, совхозлар трестининг директори **И. Тошқулов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси **Ҳ. М. Рўзиев**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси **Н. П. Рижков**, область комсомол комитетининг секретари **С. И. Ражабов**). Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 8,41 процент, дефолиация қилиш планини 26,1 процент бажарган.

— **Бухоро областига** (область партия комитетининг секретари **Қ. Муртазоев**, область ижроия комитетининг раиси **Ш. К. Хайруллаев**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Н. Жўраев**, совхозлар трестининг директори **А. Исаев**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси **Г. А. Захаров**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси **В. Е. Каньшин**, область комсомол комитетининг секретари **И. К. Бўриев**). Бу область пахта тайёрлаш планини 5,77 процент, дефолиация қилиш планини 23 процент бажарди.

Қашқадарё областининг **Ғузор районига** (район партия комитетининг секретари **М. Оллоёров**, район ижроия комитетининг раиси **Э. Қораховов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Т. Бекмуродов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Х. Жўраев**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Убайдуллаев**). Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 11,42 процент, дефолиация қилиш планини 43,2 процент бажарган.

— Қашқадарё область, Ульянов районидаги **«Қашқадарё» совхозига** (совхоз директори **Х. Фармонов**, партия ташкилотининг секретари **А. Холов**, ишчилар комитетининг раиси **Н. Маҳсумов**, комсомол ташкилотининг секретари **Х. Гелдиев**). Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 21,76 процент, дефолиация қилиш планини 59,2 процент бажарган.

— Сурхондарё область Шеробод районининг қўриқдаги **«Дўстлик» совхозига** (совхоз директори **Ш. Қудратов**, партия ташкилотининг секретари **Ю. Тоғайназаров**, ишчилар комитетининг раиси **М. Мустафоев**, комсомол ташкилотининг секретари **А. Омонов**). Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 7,91 процент ,шу жумладан машинада пахта териш планини 11 процент, дефолиация қилиш планини 77 процент бажарган.

— Қашқадарё область, Ғузор районидаги **К. Маркс номли колхозга** (колхоз раиси **О. Кўчкинов**, партия ташкилотининг секретари **У. Зарипов**, комсомол ташкилотининг секретари **С. Нисманов**). Бу колхоз йиллик пахта тайёрлаш планини 34,6 процент, дефолиация қилиш планини 45 процент бажарган.

УЛКАН ХИРМОНГА

Узбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг борини тўғрисида 1972 йил 11 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Қашқадарё	1,58	8,41
Бухоро	1,05	5,77
Сурхондарё	0,76	3,53
Андижон	0,95	3,33
Фарғона	0,82	2,40
Сирдарё	0,37	1,45
Наманган	0,35	0,95
Тошкент	0,23	0,71
Самарқанд	0,02	0,02
Хоразм	—	—
ҚҚ АССР	—	—
Республика бўйича:	0,56	2,34

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Раҳбар кадрларга марксча-ленинча таълим бериш ва иқтисодий ўқитиш билан алоқадор масалалар Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг 11 сентябрдаги пленумида муҳокама этилди. Район партия комитетининг биринчи секретари Т. Содиқов доклад қилди.

Коммунистлар ишнинг аҳволини атрофлича анализ қилдилар, партия ташкилотларининг бутун фаолиятини янада кучайтириш тадбирларини белгиладилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИ

СИРДАРЁ

Сирдарё область партия хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлаган пахтакор республикалар партия хўжалик активи йиғилишининг якунларини ва қўриқ область меҳнаткашларининг СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш тадбирларини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Қ. А. Аҳмедов доклад қилди.

Актив қатнашчилари яқдиллик билан қабул қилган резолюцияда область қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг бу йил умумдавлат хирмонига беш юз минг тонна пахта топширишга, шундан тўрт юз минг тоннасини машинада териб олишга аҳд қилганлигини таъкидладилар.

* * *

СУРХОНДАРЁ

Сурхондарё область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Мамлакат пахтакор республикалари партия-хўжалик активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтказилган йиғилиши якунлари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари Н. Муродовнинг доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан нотиқлар Сурхондарё областининг пахтакорлари, барча меҳнаткашлари олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга қатъий қарор қилганликлари ҳақида гапирдилар. Етиштирилган бутун пахта ҳосилини ғоят қисқа муддатларда ва сифатсиз нобуд қилмай териб олиш юзасидан барча чораларни кўриш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Пахта териш машиналаридан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Сурхондарё пахтакорлари юбилей йилида давлатга 405 минг тонна «оқ олтин» топшириш учун барча имкониятларга эга эканлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. (ЎзТАГ).

МАШИНАДА КИМ КАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

Жарқўрғон районидаги «СОЦИАЛИЗМ» колхозидан:

Абдулла ЧЎТАНОВ — 60 тонна
Хуррам ЖЎРАЕВ — 55 тонна
Жума ХОЛБОЕВ — 50 тонна
Бекмурод ЧОРИЕВ — 47 тонна
Темир НОРҚУЛОВ — 45 тонна

Шеробод районидаги «ДУСТЛИК» совхозидан:

Алихон ҚАМБАРОВ — 60 тонна
Улол АБДУЛЛАЕВ — 55 тонна
Тожибой МАҲМУДОВ — 52 тонна
Чиннихол ХУДОЕРОВА — 52 тонна
Эгамберди АЗИМОВ — 50 тонна
Чорн ЭРГАШЕВ — 47 тонна
Салим ТУРДИҚУЛОВ — 47 тонна
Хуррам АБДУЗОИРОВ — 45 тонна
Файзулла МАМЕТОВ — 45 тонна
Амир ЖАББОРОВ — 45 тонна.

ЮГОСЛАВИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг иттифоқ скупшинаси миллатлар вечасининг раиси М. Шпиляк бошчилигида СССРда меҳмон бўлиб турган Югославия парламенти аъзоларининг делегацияси СССР Олий Совети депутати А. П. Чубаров ҳамроҳлигида Ўзбекистон пойтахтига келди.

10 сентябрда меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Ҳ. Сирожиддинов қабул қилди. Дўстона суҳбатда у делегация аъзоларини республика Олий Советининг ва маҳаллий Советларининг фаолияти билан, Ўзбекистон меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари билан таништирди.

Шу куни югославиялик меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлишди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди. Делегация Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозга бориб келди. (ЎзТАГ).

Г. КИССИНЖЕР МОСКВАГА КЕЛДИ

АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Генри Киссинжер 10 сентябрда Москвага келди. АҚШ савдо министрининг ўринбосари Жеймс Линн ва Оқ уй аппаратининг бир қанча масъул ходимларн у билан бирга келиши.

(ТАСС).

„ВЕНЕРА-8“ КОСМИК САФАРИ ЯКУНЛАРИ

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрами арафасида совет космонавтикаси янги ажойиб муваффақиятга эришди: 1972 йил 22 июлда «Венера-8» планеталараро автомат станцияси ўзининг тўрт ойлик парвозини тугаллаб, Венера планетасидан ноёб илмий маълумотлар юборди.

«Венера-8» станциясининг туширилувчи аппаратига Совет давлатининг асосчиси — Владимир Ильич Ленининнинг сиймоси ва Совет Иттифоқининг давлат герби тасвирланган вимпеллар ўрнатилган эди.

Венерани тадқиқ қилиш тарихида биринчи марта «Венера-8» станциясининг атмосферага кириши ва туширилувчи аппаратини қўндириш планетанинг қуёш ёритиб турган томонида амалга оширилди. Венера атмосферасида парашют ёрдамида пасайиш бир соат чамаси давом этди. Станциянинг туширилувчи аппарати оҳиста қўндирилгандан кейин 50 минут давомида Венера юзасида ишлаб, ерга илмий ахборот юбориб турди.

Туширилувчи аппарат ва Венера юзасида ишлаб турган пайтда атмосферанинг хоссалари тўғрисида, планетанинг ёритилиш характеристикалари ва унинг юза қатламидаги заминнинг характеристикаси тўғрисида олинган ноёб маълумотлар жуда муҳим илмий аҳамиятга эга.

Қуёш системасини автомат аппаратлар ёрдамида ўрганиш совет программаси муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. «Венера-8» станциясининг парвози фанга қўшилган муҳим ҳиссадир, табиатни ўрганишда қўйилган янги катта қадамдир.

«Венера-8» автомат станциясининг лойиҳаси Венера планетаси тўғрисидаги мавжуд илмий маълумотларни ҳамда «Венера» станцияларини яратиш ва учириш чоғида орттирилган тажрибани ҳисобга олиб тузилди.

Шу типдаги аввалги ҳамма станциялар сингари «Венера-8» станцияси ҳам орбитал бўлмадан ва туширилувчи аппаратдан иборат. «Венера-8» автомат станциясининг жами вазни 1184 килограмм, туширилувчи аппаратнинг вазни 495 килограмм.

«Венера-8» станцияси туширилувчи аппаратининг конструкцияси анчагина модификация қилинди. «Венера-7» станцияси атмосферанинг параметрларини аниқлаб берганлиги сабабли туширилувчи аппаратнинг корпусига емирувчи таъсирнинг ва атрофдаги муҳит максимал ҳароратининг мўлжаллаб қўйилган миқдорлари камайтирилди.

Шу туфайли «Венера-8» станцияси туширилувчи аппаратининг куч корпуси конструкцияси бирмунча енгиллаштирилди. Мақбул вазн ҳисобига қўшимча илмий приборлар ўрнатилди ва аппаратларнинг Венера юзасида ишлаш вақтини кўпайтириш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Туширилувчи аппарат икки бўлмадан: приборлар бўлмаси ва парашют бўлмасидан иборат. Туширилувчи аппаратнинг юқори қисмида жойлаштирилган парашют бўлмасида парашют системаси, радиовисотомер, илмий приборларнинг датчиклари ва борт радиокомплексининг антеннаси жойлаштирилган. «Венера-8» станцияси туширилувчи аппаратининг приборлар бўлмасида радиотехника ва телеметрия системалари, электр таъминоти манбалари, вентиляторлар ҳамда ҳароратни ростловчи системанинг бошқа агрегатлари, автоматика аппаратлари ва илмий приборлар блоклари жойлаштирилган.

Зарур ҳарорат шароитларини таъминлаш учун туширилувчи аппаратнинг приборлар бўлмасида ташқи иссиқлик изоляцияси қобиғининг самарадорлиги оширилди, шунингдек бўлма ичкарисига иссиқликни жуда яхши ютадиган материаллардан иссиқлик ютиш бўлмаси ўрнатилди. Ана шуларнинг ҳаммаси туширилувчи аппарат приборлари ва системаларининг анча узоқ муддат ишлаш олишини таъминлади.

«Венера-8» станцияси туширилувчи аппаратининг Ер билан алоқа боғлаб туриши учун янги антенналар системаси қўлланилди. Бу система икки антеннадан: аппаратнинг юқори қисмига маҳкам боғлаб қўйилган спираль антенна билан аппарат планетага қўндирилганидан кейин бўлмадан улоқтириб юбориладиган ташқи антеннадан иборат. Станциянинг планета атмосферасида пасайиш участкасида алоқа биринчи антенна орқали олиб борилади, туширилувчи аппарат қўнганидан кейин программа — вақт қурилмасининг командаларига мувофиқ борт передатчиги вақтиваҳти билан бир антеннадан иккинчисига ўтказиб турилади. Шу тариқа туширилувчи аппарат билан ер ўртасидаги радио алоқасининг пухталиги таъминланади.

«Венера-8» автомат станцияси планетанинг кундуз томонидаги атмосферасининг ва юзасини тадқиқ қилишнинг, шунингдек парвоз трассасида планеталараро муҳитни тадқиқ қилишнинг кенг комплексини биринчи бор ўтказиш имконини берган илмий аппаратлар билан жиҳозланди.

«Венера-8» станциясининг туширилувчи аппаратидаги илмий экспериментларни танлаб олишдан кузатилган асосий мақсад Венера атмосфераси ва юзасининг физикавий-химиявий характеристикаларини тўғрисида бир қанча янги принципиал саволларга жавоб олишдан иборат эди.

Планетанинг тунги томонига қўндирилган «Венера-4, 5, 6 ва 7» станциялари планета сатҳигача бўлган атмосфера ҳарорати ва босимини тепадан пастгача ўзгариб боришини жуда муфассал тадқиқ қилиб берган эди.

«Венера-8» станцияси ердамида ҳарорат ва босимни бевосита ўлчаб кўриш натижалари Венеранинг кундузги ва тунги томонларидаги кўрсаткичларда унчалик тафовут йўқ эканлигига бизда ишонч ҳосил қилади.

Қуёш нури планета юзасигача етиб борадими ёки у атмосферада ва булутларда деярли батамом тутилиб қоладими, деган масала «Венера-8» станциясининг туширилиш пайтидаги энг асосий масала бўлди. Бошқача қилиб айтганда кундуз куни Венера юзаси ёруғ бўладими ёки доимо қоп-қоронғими? Шуни аниқлаш керак эди. Бунинг учун атмосферанинг ва планета юзасининг ёруғлигини ўлчаш зарур эди. Шу мақсадда туширилувчи аппаратга махсус прибор — фотометр ўрнатилди. Бу прибор Венерада кутиш мумкин бўлган нур оқимлари миқдори ёритилишни кенг диапазонда ўлчашга мўлжалланган эди. Бу прибор атрофдаги муҳитнинг бениҳоя оғир шароитларида — Венеранинг иссиқ ва тиғиз атмосферасида ишлаш қобилиятини сақлаб қолиши лозим эди. Ёруғлик миқдори тўғрисидаги ахборот планета юзасига боргунча қўнишнинг бутун участкасида олиб турилди. Ана шу ноёб маълумотлар спектрнинг кўз билан кўриладиган соҳасидаги қуёш нурларининг муайян миқдори планета юзасигача етиб боради ва у ерда кундуз билан тун ўртасидаги ёруғлик ўртасида сезиларли тафовутлар бор, деган хулосани чиқариш имконини беради. Баландлик бўйлаб ёруғликнинг ўзгариш характерини дастлабки ўрганиш шуни кўрсатадики, Венера атмосфераси қуёш нурини анча заифлаштиради. Ҳозирги вақтда олинган натижаларнинг миқдор анализи ўтказилмоқда, бу анализ Венера атмосферасининг оптик характеристикаларини аниқлаб берадиган бир қанча муҳим параметрларни чамалаш имконини беради.

Маълумки, «Венера-4» автомат станциясининг парвози Венера атмосферасининг асосий химиявий таркибини биринчи марта аниқлашга имкон берди. Бу маълумотга кейинчалик «Венера-5» ва «Венера-6» автомат станциялари ёрдамида аниқлик киритилди. Планета атмосферасининг 97 процента карбонат ангидрид газидан иборат эканлиги маълум бўлди. Атмосфера таркибидаги азот миқдори икки процентдан ошмайди, кислород 0,1 процентга ҳам етмайди, бу лут қатлами яқинидаги сув буғи 1 процентдан камроқ.

Шу билан бирга атмосферанинг таркиби ва тузилиши тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилинган бўлсада, Венера булут қатлами проблемаси мавҳум бўлиб қолмоқда. Фактик материал камлиги сабабли турли гипотезалар айтилмоқда, лекин бу гипотезалар эксперимент йўли билан текширишга муҳтож. Жумладан, булутлар таркибига аммиак (аммоний тузлари)дан иборат бирикмалар кириши мумкин деган тахминлар айтилмоқда. Башарти бу гап тўғри бўлса, 48 километрдан пастроқ баландликдаги атмосферада эркин аммиак бир мунча камроқ бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан «Венера-8» станциясига аммиакни аниқлайдиган прибор ўрнатилди.

Биринчи ўлчов Венера атмосферасида 46 километр чамаси баландликда, иккинчи ўлчов 33 километр чамаси баланд ликда ўтказилди. Эксперимент натижаларига қараб, атмосферада ўлчов ўтказилган участкаларда озроқ миқдорда аммиак бор деб ҳисоблаш мумкин. Унинг ҳажми 0,01-0,1 процентга тенг бўлиши мумкин.

«Венера-8» атмосферада пасайиб бораётган пайтда шамолнинг горизонтал тезлиги компонентни ўлчаб кўрилди. Бу кўрсаткич 45 километрдан зиёд баландликда секундига 50 метрдан кўпроқ бўлиб, секундига 2 метрдан озроқ пасайди. 10-12 километр пастроқда ўтказилган бу ўлчовлар терминатордан кундуз томонга, яъни планетанинг хусусий айланиш томонига эсаётган зона (кенглик) шамоли борлигидан далолат беради. Бу эса Венера атмосферасининг ўзгаришини тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга.

«Венера-8» станцияси ёрдамида Венерани тадқиқ қилиш программасида планета юзасининг физикавий-химиявий хоссаларини ўрганишга катта ўрин берилди. Аппарат пасайиб бораётган пайтда ундан чиққан радио тўлқинларининг планета сатҳидан қайтиш даражаси анализ қилинганида Венера сатҳининг электрни ўтказмаслиги ва тиғизлиги тўғрисида маълумотлар олинди. Шу ўлчовларнинг натижалари аппарат туширилган районда планетанинг юза қатлами анча юмшоқ бўлиб, ҳар куб сантиметрда бир ярим граммдан камроқ тиғизликка эга экан, деб ҳисоблашга асос беради. «Венера-8» станциясига ўрнатилган гаммаспектрометр Венера юзасида радиактив элементлар миқдорини уларнинг гамма-нурланишига қараб аниқлаб берди. Туширилувчи аппарат планета юзасига қўндирилганидан кейин гамма нурланишнинг суммар интенсивлиги ошиб бориши қайд қилинди, бу ҳодиса Венеранинг юза қатламидаги табиий радиактив элементлар парчаланганлигининг оқибати билан боғлангандир. Гамма нурланишлар спектрларини ўлчаш юза қатламда уран, торий ва калий миқдорини аниқлашга ёрдам берди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, станция қўндириладиган райондаги юза қатлам материалининг 4 процента калий, 0,0002 процента уран ва 0,00065 процента торийдан иборат. Бу эса радиактив элементларнинг миқдори ва уларнинг состав нисбати жиҳатидан ердаги гранит жинсларни эслатади. Шундай қилиб, «Венера-8» станцияси калий, уран ва торийга бирмунча бой жинсни аниқлади. Ер шароитларида элементларнинг бундай нисбати, аввало, планета қаъридан бирламчи эриб чиққандан кейин атрофдаги муҳитнинг турли омиллари таъсирида иккиламчи ўзгаришга дуч келган жинслар шундай серкалий бўлади. Бу маълумотлар Венера геологиясини ўрганишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Ҳозирча бу маълумотлар планетанинг кичикроқ участкасидан олинди, бундан буёнги тадқиқотлар бошқа районларни ҳам қамраб олиш ва Венеранинг қаттиқ қобиғида содир бўлаётган жараёнлар ва унинг эволюцияси тўғрисида бирмунча муайян хулосалар чиқариш имконини беради.

«Венера-8»нинг парвози вақтида қуёш активлигининг аномаль зўрайиши кузатилди, бу ҳодиса турли энергетик интервалларда космик нурларнинг интенсивлик даражасига кучли таъсир ўтказади. Қуёш активлиги кучайиб бораётган бир пайтда қуёшда тўртта кучли портлаш бўлганлиги қайд қилинди, шу портлаш вақтида 1 миллион электрон вольтдан ортиқ ва 30 миллион электрон вольт энергияга эга бўлган протонларнинг қуёш интенсивлиги қўшимча равишда кескин кўпайди. Фазонинг анча олис жойларидан келиб турадиган галактик космик нурлар интенсивлиги анча камайганлиги ҳам кузатилди. Қуёш активлигининг бундай аномаль зўрайиши бундан аввал ҳам, жумладан, «Венера-7», «Луноход-1», «Марс-2» ва «Марс-3» приборлари ёрдамида қайд қилинган эди.

Учиш трассасида ва Венерага яқинлашиб қолган пайтда планеталараро фазода нейтрал атомсимон водород тарқалганлиги сабабли вужудга келадиган ультра бинафша нурланишлар ўлчаб кўрилди. Планеталараро фазонинг айрим жойларида бу нурланишнинг интенсивлиги 2-3 баравар кучайди. Спектрнинг асосан ёруғ кўк юлдузлар фонида вужудга келадиган нурланиш интенсивлиги спектрнинг камбар ультра бинафша областида ўлчаб кўрилди.

«Венера-8» станциясининг муваффақиятли парвози ана шу планеталараро автомат аппаратни Венера юзасидаги жуда мураккаб шароитларда ишлашга мўлжаллаб лойиҳалаш вақтида асос қилиб олинган техникавий ечимларнинг тўғрилигини исботлади.

«Венера-8» станцияси ёрдамида олинган илмий натижалар бизнинг Венера тўғрисидаги билимларимизга қўшилган қимматли ҳисса, унинг табиати тўғрисидаги тасаввурларни тўхтовсиз кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги арафасида космосда қўлга киритилган янги катта муваффақият — совет олимлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларининг ана шу улуғ айёмга муносиб совғаси бўлади. (ТАСС).



«Венера-8» станциясининг туширилувчи аппарати. 1. Демпфер, 2. Ташқи иссиқлик изоляцияси, 3. Радиопередатчик, 4. Прибор отсеки корпуси, 5. Коммутация блоки, 6. Вентилятор, 7. Термобошқарув трубопровод системалари, 8. Передатчик антеннаси (ташқарига чиқариладиган), 9. Парашют отсеки, 10. Передатчик антеннаси (асосий), 11. Парашют отсекининг қопқоғи, 12. Тортилувчи парашют, 13. Асосий парашют, 14. Радиовисотомер антеннаси, 15. Иссиқлик алмашгич, 16. Термоаккумулятор, 17. Ички иссиқлик изоляцияси, 18. Программали-муваққат қурилма, 19. Иссиклик аккумуляторы.

Венера юзасига қўндирилган «Венера-8» станциясининг туширилувчи аппарати. 1. Атмосфера ҳарорати ва босим датчиклари. 2. Ёритишни ўлчаш датчиги. 3. Асосий антенна. 4. Ташқарига чиқариладигай антенна (отилгунга қадар). 5. Парашют (отилгандан сўнг). 6. Ташқарига чиқариладиган антенна (отилгандан сўнг).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. И. КУЗЬМИНГА «УЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССРда пахта тозалаш саноатини ривожлантиришдаги хизматлари, фан ва техника муваффақиятларини саноатда жорий этишда, малакали кадрлар тайёрлаш ва ўқитишда актив қатнашганлиги учун пахта тозалаш саноати Марказий илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими Василий Иванович **Кузьминга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 11 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. Г. ГУЦАЛОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚАЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Алоқа воситаларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарув органларига ва аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этишни такомиллаштириш соҳасида кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун Чирчиқ шаҳар алоқа узелининг бошлиғи Иван Григорьевич **Гуцаловга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган алоқачи» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 11 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёш ишчи кадрларни тайёрлаш ва коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун Тошкент шаҳридаги 85-шаҳар ҳунартехника билим юртнинг директори Аброр Ахрорович **Саидаҳмедов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ТАДҚИҚОТЧИ БИЛАН ЁНМА-ЁН

ЕР ИЛМИ

Лабораторияда иш қизғин. Қора тупроқнинг соф тупроқдан фарқи шўрланган ерларни ўзлаштириш усуллари устида қидирув ишлари олиб бориляпти. Акром Расулев раҳбарлик қилаётган Тошкент қишлоқ хўжалик институти тупроқшунослик кафедраси илмий ходимларининг бу соҳада ўтказаётган тадқиқотлари катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга.

Бундан бир неча йил муқаддам А. Расулев Марказий Фарғонада бўлганида бир нарсадан қаттиқ таъсирланган эди. Бир томонда шудгорланган ер. Иккинчи томондаги ерни эса шўр босган, бекасамга тушган ямоқдек дала кўркини бузиб турибди. «Наҳотки, шу ерларни ўзлаштириб, ғўза ўстиришнинг иложи бўлмаса?». У бу ерда тажриба учун чўлдан бир оз ер ажратиб олиб, унинг шўрини ювди. Шоли, пахта ва беда экиб кўрди. Бўлмади. Шоли қуриб қолди. Ғўзани эса шира босди. Беда аввал гуркираб ўсди, кейин у ҳам қовжирай бошлади. Шундай қилиб, бўлажак тупроқшунос ернинг шўрини ювиш, шоли, пахта ва беда экиш усулларини, янги ерларни ўзлаштириш йўлларини қидириб кўрди. Бу унинг диплом ишига асосий мавзу эди. Кейинчалик у ана шу мавзу устида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Шундан сўнг ёш олим Ўзбекистон тупроқшунослик илмий-тадқиқот институтига ишга таклиф этилди.

У Марказий Фарғонани ўзлаштиришда. Бўка ва Бўстонлиқ районларининг тупроқ картасини тузишда, Мирзачўлнинг шўр тупроқларини текшириб чиқиб, мелиоратив ҳолатини яхшилашда фаол иштирок этди. 1962 йилда Қарши чўли тупроқларини текшириш ва уларни ўзлаштириш мақсадида экспедиция тузиб, унга ўзи раҳбарлик қилди. Беш йил мобайнида Қарши чўли ерларининг мелиоратив ҳолати, шароитлари ўрганилиб, уни яхшилаш усуллари ишлаб чиқилди.

Қарши чўли тупроқ қатлами пухта текширилди. Натижада сугориш мумкин бўлган 1,3 гектарга яқин жойлар борлиги аниқланди. Бу майдонни ўзлаштириш усулларини асослаш бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилди. Ўн метр қалинликдаги тупроқ қатламида мавжуд бўлган туз запаслари ўрганилди. Чунки, аввал бор-йўғи 1-2 метр қалинликдаги тупроқ қатламининг туз запаслари ҳисобга олинар эди. Қуйироқ қисмида жойлашган туз запаслари эса ҳисобга олинмасди.

Қарши чўлини ўзлаштириш бўйича 3 миллион 750 минг гектар ер ва унинг мелиоратив ҳолати, тупроқ таркибидаги озуқа моддалар таркибига қараб ўтгирлари фойдаланиш, тупроқнинг хусусияти ва хилига қараб пахта далаларини жойлаштириш, чўлга қарши кураш ва ер ости сувларининг кўтарилишига йўл қўймаслик учун ётиқ ва тик зовурлардан тўғри фойдаланишга оид назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган материаллар тўпланди. Бу излаш-изланиш ишларида Акром Расулевга проблема лабораторияси ходимларидан профессор М. А. Папков, М. Баҳодиров, доцентлардан И. Н. Фелициант, Н. Ф. Кириева, В. М. Кузнецов ва тупроқшунослик институти коллективи яқиндан ёрдам берди. Тўпланган материаллар «Средазгипроводхлопок» лойиҳалаш институтига ҳамда СССР Госпланига топширилди.

Мирзачўл, Марказий Фарғона, Бухоро ва Қаршида шўр тупроқни ювиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда тик зовурлардан фойдаланиш проблемаси устида ҳам катта илмий иш олиб борилди. Ўтказилган тадқиқотлар эрозияга учраган бўз тупроқли суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлигини тиклашда гумин ўғитларидан фойдаланиш яхши натижалар беришини яна бир бор исботлади.

Моҳир тадқиқотчи Акром Расулев олиб борган изланишлар фақат Иттифоқимиздагина эмас, шунингдек Эрон, Покистон, Ғарлашган Араб Республикаси, Ҳиндистон ва Афғонистон олимларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Олим Тошкентда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда: «Ўрта Осиёнинг шўрланган тупроқлари ва уларга қарши кураш чоралари, бу масала юзасидан олимларнинг келажакдаги вазифалари» деган актуал мавзуда маърузали лекция ўқиди. Ўқиган назарий лекциясини Фарғона водийси бўйлаб ўтказилган экскурсия вақтида тажрибада кўрсатиб, чет эллик олимларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Мана олти йилдирки, Акром Расулев Тошкент қишлоқ хўжалик институти тупроқшунослик кафедрасига мудирлик қилиб келади. Бу ерда у «Қарши чўлининг шўрланган тупроқлари, уларни ўзлаштириш ва унумдорлигини ошириш чоралари» деган темада доктор-лик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Тинмай-тинчимас олимнинг 60 дан ортиқ монография, брошюра ва илмий мақолалари босилиб чиқди. У шу кунда илмий иш билан биргаликда педагоглиқни ҳам қўшиб олиб бораяпти. Айниқса, малакали кадрлар тайёрлашга катта аҳамият бермоқда. Институтнинг Ж. Ботиров, А. Никольский, М. Исломов ва М. Миразизов каби ўндан ортиқ илмий ходимлари тадбиркор олим А. Расулевни ўзларининг устози деб биладилар.

А. РАҲИМОВ,
А. ФОЗИЛОВ.

ТАЖРИБА ЎРТОҚЛАШИЛДИ

Андижон областининг бир группа идеология ходимлари — шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, маданий-оқартув муассасаларининг раҳбарлари Қирғизистоннинг Ўш областида бўлдилар. Улар бу ерда бир неча кун мобайнида қўшниларнинг иш тажрибасини ўргандилар.

Қирғиз ўртоқлар тузиб чиққан корхоналар, колхозлар, бутун-бутун шаҳар ва районларни социал ривожлантириш планлари андижонликларни қизиқтирди. Масалан, Сузоқ районида шундай планга кўра, яқин йиллар ичида кўпдан-кўп майда посёлкалар ўрнига катта-катта колхоз посёлкалари вужудга келтириш режаланган. Ҳар бир посёлкада коммунал-маиший хизмат комплекси бўлиши кўзда тутилади. Шу муносабат билан колхозлар архитекторлик ихтисосини эгалламоқчи бўлган ёшлар учун стипендиялар белгиладилар. Тез орада ҳар бир хўжаликнинг қурилишга малакали раҳбарлик қила оладиган ўз мутахассиси бўлади.

Ўш областида кўргазмали агитациянинг ташкил этилиши ҳам андижонликларга манзур бўлди.

Андижон ва Ўш область партия комитетлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги иш тажрибаларини ёйиш юзасидан биргалашиб ўтказиладиган тадбирлар планини ишлаб чиқдилар. Партия ташкилотларига икки область ва қўшни районлар, турдош корхоналар, шунингдек колхозларнинг мусобақасини рағбатлантириш тавсия этилди, область марказлари ўртасидаги мусобақа шартномалари тузилди.

Ўшда Андижон области Дўстлик ва маданият кунларини ҳамда Андижонда Ўш область дўстлик ва маданият кунларини мўлжалланмоқда. Кинофестивалар уюштирилади, область ва район газеталарининг қўшма сонлари чиқарилади, назарий конференциялар ўтказилади. (ЎзТАГ).

«МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ» АМАЛДА

ФУРМАНОВЧИЛАР БУЮРТМАСИ

«Таштекстильмаш» заводи катта тўқимачилик фабрикаси қурилаётган Иваново областидаги Фурманов шаҳрига «ПК-100-1М» маркали йигирув-пишитув машиналаридан 132 тасини юборди. Тошкентлик конструкторлар яратган шу энг янги агрегатлар битта технология процессида бирданига тўртта операцияни — ип йигириш, пишитиш, эшиш ва ғалтакка ураш операцияларини бажаради. Янги агрегатнинг иш унуми мана шу операцияларни алоҳида-алоҳида бажариб келган машиналарникидан икки баравар юқори.

Фурмановликларнинг буюртмаси билан «Таштекстильмаш»да биринчи марта тайёрланган янги модель «Восток» алмашланадиган аппаратлар билан таъминланган. Бу нарса бир машинанинг ўзида ҳар қандай тола — пахта толаси, ипак толаси, сунъий толани қайта ишлашга имкон беради. (ЎзТАГ).

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ХУШВАҚТ ОТА НЕГА ТАЖАНГ?

Ҳассасига суянганча ўғли билан қўл ушлашиб келаётган Хушвақт ота Бобоқулов чорраҳага етганда узоқдан автобус кўринди.

— Ота! Ота! — деди ўғли Мирсалим тўхтаб. — Автобус келяпти!

Ота шошилинч равишда:

— Болам бекатга тезроқ юр! — деди, — автобусдан қолиб кетмайлик.

Улар бекатга яқинлашиб қолганида автобус ғизиллаб ўтиб кетди.

— Эй, тўхтамади-ку! — деди ота афсусланганча. Кейин у ўғлидан сўради: — Мирсалим қўлингни кўтарганмидинг?

— Ҳа, — деди боланинг нафаси ичига тушиб.

Эрталабдан буён бекатда фиғони чиқиб ўтирган ўн-ўн беш чоғли йўловчилардан бири — Карл Маркс номли бошланғич мактабнинг ўқитувчиси Рустам Бастамов отага тасалли берди:

— Ота, кўп хафа бўлманг! Ҳозиргача бунақа автобусдан учтаси тўхтамай ўтиб кетди. Бизлар бўлса ҳамон...

— Бу автобус Чироқчиники экан. У бўш бўлсаям, Қовчинда тўхтамайди, — деди механизатор Тоҳмат Раҳматов унинг гапини бўлиб.

— Ўғлим Темир Тошкентга соат ўн икки яримда учадиган самолёт рейсига билет олгандик, — деди 1-бўлим бухгалтери Чоршанби Рўзиев. — Манасоат ўн бирдан ҳам ўтяптики, шу ердан кетолмаяпти.

— Кеча мен ҳам шундай йўлга чиқиб, райондаги мажлисга боролмай қолдим, — деди Рустам Бастамов боя чала қолган гапини давом эттириб. — Еки шу маршрутда қатнайдиган автобус шофёрлари: «Бу ерда тўхтамайман!» деб қасам ичишганми?

Ростдан ҳам Ғузор районидаги Киров номли совхознинг 1-бўлимидаги Қовчин қишлоғида бундай воқеалар ҳар куни бўлиб туради. Бўлимнинг Кескак, Қоратикан, Комсомол, Паст Қовчин ва Араб қишлоқлари район марказидан 45 километр узоқликда жойлашган бўлсада, бу ерда автобус қатнови йўлга қўйилмаган. Мазкур аҳоли пунктларида истиқомат қилаётган меҳнаткашлар зарур юмуш билан район марказига бориш учун Қарши станцияси ёки Қамаши районининг маркази орқали 120-125 километр йўл босиб, айланиб юришлари керак. Бу йўлдай қатнайдиган «Қарши—Қамаши». «Қарши — Чироқчи» маршрутларидаги автобуслар махсус бекатлар бўлишига қарамай, юқорида номлари тилга олинган қишлоқларда тўхтамай ўтади. Натижада кўплаб пассажирлар қимматли вақтларини машина кутиб ўтказадилар. Бундай ачинарли аҳвол қишлоқ меҳнаткашларининг асабини бузиб, хунобини оширмоқда.

Қишлоқ аҳолиси бу тўғрида неча бор Қарши автобус таксимотор паркининг раҳбарларига (директори А. В. Ли) мурожаат қилишди. Бирок ҳанузгача ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяпти.

Ш. ҚУРБОНОВ.

ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

ҚОЗОҒИСТОН БЎЙЛАБ

Ўзбек адабиёти ва санъати декадасининг қатнашчилари группа-группаларга бўлиниб, Қозоғистоннинг жануби ва ғарбига, шарқи ва шимолига йўл олдилар. Ҳамма ерда уларни ғоят самимий ва шодиёна кутиб олмоқдалар.

Меҳмонлар Павлодарда трактор заводида бўлдилар. Трактор заводи коллективи Тошкент тракторсозлари билан мустаҳкам дўстлик алоқаси боғлаб турибди. Ўзбекистон маданият арбоблари ишчилар билан суҳбатлашдилар, уларга концерт қўйиб бердилар.

Область тасвирий санъат музейида ўзбек рассомлари асарларининг виставкаси очилди. Кечқурун павлодарликлар ўз санъатлари билан уларни хушнуд этган Ўзбекистон артистларини табриклаб қарсак чалдилар.

Петропавловск аҳолиси Ўзбекистон артистлари, ёзувчилари, созандаларини нон ва туз, гулдасталар билан кутиб олдилар. Меҳмонлар шаҳар корхоналарида, янги драма театри биноси қурилишида бўлдилар, тик соҳилдан Ишим дарёсининг тезоқар сувини мароқ билан томоша қилдилар.

Область филармониясида декадага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданият арбобларини ишчилар, қишлоқ меҳнатчилари, зиёлилар табриклашди. Ўзбекистон артистлари йиғилишга тўпланганлар ҳузурида катта байрам программаси кўрсатдилар.

Қарағанда меҳнатчилари, айниқса ёшлари ўртасида «Ялла» вокал-музика ансамблининг концертлари катта муваффақият қозонмоқда.

Толди-Қўрғонда «Лазги» рақс ансамбли чорвадорлар, ғаллакорлар, механизаторлар ҳузурида концерт бермоқда.

* * *

Шарқий қозоғистондаги қудратли ва афсонавий дарё Иртишга беш дарё келиб қўшилади. Шу ўлканинг маркази Усть-Каменогорск шу кунларда адабиёт ва санъат декадасининг қатнашчилари бўлмиш Ўзбекистон вакилларини қабул қилмоқда.

Иртиш дарёсининг янги кўпригидан металлургия комбинатининг мўрилари кўриниб турибди. Ўзбек шоирлари, артистлари, рассомлари шу ерга борадилар. Бу корхонада 33 миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Усть-Каменогорскка Ўралдан келган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Иван Сидоров, бизнинг ҳамюртларимиз — формовкачи Мамед Норматов, электролизчи Оллоёр Раимов Ўзбекистон вакилларини кутиб оладилар. Завод ишчиси Петр Карпушин ўз шеърларини ўзбек дўстларига бағишлади. «Бизнинг улкан, ёруғ уйимизга марҳамат қилинг ва қанотли металл ижодкорларидан алангали «салом!»имизни қабул қилгайсиз» — деди шоир.

Бизнинг созандаларимиз самолётлар, турбиналар, инструментлар ясаладиган пўлат қуйилмалар билан ёнма-ён жой оладилар. Цехда ўзбек халқ куйлари янграйди. Раъно Ҳидоятова, Усмон Тошматов, М. Ҳўжаниязов ўзбек, рус, қозоқ, қорақалпоқ қўшиқларини ижро этадилар.

Яна сафарга. Машиналар дарахт билан қопланган тоғлар орасидан юриб, Иртиш дарёсида қад кўтараётган каскадлардан бири бўлган Усть-Каменогорск ГЭСининг тўғони шу дарёни тўсган жойга шошмоқда. Тўғондан теплоходлар, иш баржалари, енгил қанотли катерлар кўриниб турибди. Бу кемалар Бухтарма ГЭСи томон сузиб бормоқда. Бу ГЭС ҳозирнинг ўзидаёқ бир йилда 1913 йилда бутун чор Россияси ҳосил қилганидан кўп энергия бермоқда.

Кечқурун эса Марказий маданият уйида байрам чироқлари порлади. Бу ерда декада қатнашчилари ишчилар, олимлар, инженерлар билан учрашдилар. Меҳмонлар шаънига кўпгина самимий сўзлар айтилди. Томошабинлар «Шодлик» ансамбли ва концертнинг бошқа қатнашчиларини саҳнага чиқишини қайта-қайта таклиф қилавердилар.

(ЎзТАГ махсус мухбирлари).

СУРАТДА: Сирдарё ГРЭСини тез-норлик билан бунёд этишда ғайрат кўрсатиб меҳнат қилаётган Виктор Куцов (чапдан тўртинчи) бошлиқ гишт терувчилар бригадасининг илғорлари.

Янгийўл консерва заводи коллективи юбилей йилининг охиригача 46 миллион дона банка турли хил консерва маҳсулотлари етказиб бериш нияти билан меҳнат қилаяпти. Суратларда: (юқоридан пастга) тайёр маҳсулотлар омборининг ишчиси Ҳалима Аҳмедова; 10 йилдан бери фидокорона меҳнат қилиб келаётган Ҳайри Соатова, сабзавот цехининг пешқадами Маҳбуба Абулҳайрова ва томат тайёрлаш цехининг жонкуяри Т. Қурғаева ўртоқлар.

А. Тўраев фотолари.

ИПАК ПАХТА МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

ТЕРМИЗ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Райондаги Калинин номли колхоз аъзолари тўқимачилик саноати учун қимматбаҳо ҳисобланган ингичка толали пахтани теришни оммавий равишда бошлаб юбордилар.

Тоғай Тошпўлатов, Назар Абсаматов, Арслон Оннаев, Жумамурод Ҳудойберганов, Бўри Оллоназаров ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаларнинг коллективлари ҳосил чўғини чамалаб кўриб, гектаридан 45-46 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилдилар.

Механизаторлар мавсумда камида 1500 тонна ингичка толали пахтани машиналар билан теришга қарор қилдилар. Бу, ўтган йилдагидан икки баравар кўпдир. Механик-ҳайдовчилардан Орзи Шерназаров, Маматқул Чориев, Ҳуррам Маматовлар мавсумда 200-300 тоннадан ингичка толали пахта теришмоқчи.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти социалистик мусобақада ғолиб чиққан коллективларни ҳар ўн кунда мукофотлаш учун кўчма Қизил байроқ ва механик-ҳайдовчилар учун кўчма вимпеллар таъсис этди. Мусобақада ғолиб чиққан коллективлар ва айрим кишиларга Қизил байроқ ва вимпеллар билан бирга қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари ҳам берилади.

А. ХАЛИЛОВ.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ЎҚИМОҚДАЛАР

ҚАРШИда марксизм-ленинизм асослари мактаблари пропагандистларининг, олий ва ўрта бўғиндаги назарий семинарлар ва иқтисодий мактаблар раҳбарларининг ўн кунлик курси ўз ишини бошлади.

Партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар муаллим сифатида жалб этилди.

(ЎзТАГ).

ОЛҚИШ

Ленинградда ўзбек кинофильмлари кўриги

Бир неча кундирки, Ленинградда ўзбек кинофильмлари кўриги ўтказилмоқда. Улуғ Ленин шаҳри меҳнаткашлари серқуёш республикамиз кино усталари томонидан яратилган «Ленин қўлланмаси билан», «Алишер Навоий», «Ўтган кунлар», «Тошкент — нон шаҳри», «Алангали сўқмоқлар», «Генерал Собир Раҳимов» каби 20 га яқин бадиий фильмларни ва бир қанча ҳужжатли фильмларни томоша қилмоқдалар.

Йирик кинотеатрлар — «Панорама», «Нева», «Октябрь», Киров номли, «Дружба», «Молния», «Ленинград» ва бошқа кинотеатрлар ўзбек киноси ихлосмандлари билан ҳамиша гавжум бўлиб турибди. «Ўзбек кинофильмларини кўришга шошилинг!» деган шиорлар, қанчадан-қанча реклама ва эълонлар ҳар қадамда кўзга ташланади.

Келинг, яхшиси, ленинградлик киношинавандаларнинг ўзлари гапиришсин.

Н. ЗДОБНОВ — Ленинграддаги 2-ўй қурилиши комбинатининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Бригадамиз 216 квартирали бинода монтаж ишларини тугатган куни шаҳримизда ўзбек фильмлари намойиши бошланди. «Алангали сўқмоқлар» фильмини биргалашиб томоша қилдик. Менга ҳаммадан кўп Саъдуллаев ролини ўйнаган Наби Раҳимов, Саид ролини ўйнаган Жавлон Ҳамроев, Раҳимов ролини ўйнаган Ҳўжадурди Норлиев, Мурод ролини ижро этган Мақсуд Мансуров ўртоқлар манзур бўлди. Уларнинг ҳар бир ҳаракатида кино актёрига хос хусусият, фазилат ва шунчаки сезилиб турибди. Совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларида фашист десантини тор-мор келтиришда кўрсатган жасоратини акс эттирувчи бу фильм томошабинларда жуда катта таассурот қолдирганлиги залдаги жонланишдан ҳам сезилиб турарди.

Биз 15 сентябрга қадар намойиш қилинадиган ўзбек фильмларини мароқ билан томоша қилмоқчимиз.

А. ЛУНДИШЕВ — А. А. Жданов номли Ленинград Давлат университетининг биринчи курс студенти.

Шарқ халқлари ҳаётини, урф-одатини ўрганишни ёшлигимданоқ ҳавас қилардим. Мана бугун муддаомга эришадиган бўлдим. Университетнинг Шарқ факультетига ўқишга кирдим. Бу ерда 47 миллат вакиллари таълим оляпти. Улар орасида руслар билан бирга украинлар, ўзбеклар ва қозоқлар, латишлар ва эстонлар, хуллас бепоён Ватанимизнинг турли миллатига мансуб бўлган йигит-қизлар бор.

Ростини айтсам, илк қадамим ўнгидан келди. Университетда ўқиш бошланган куни Ленинградда ўзбек кинофильмларидан бир нечтаси намойиш қилинди. Биз «Қўрқув билмай» фильмини завқ-шавқ билан томоша қилдик. «Ўзбекфильм»нинг бу маҳсулоти ҳаммани ҳушнуд этди. Р. Саъдуллаев, Т. Шокирова, Х. Латипов, Б. Бейшеналиев ижро этган роллар айниқса диққат-эътиборимизни тортди. Фильмдаги воқеалар гарчи бундан 45 йил муқаддам рўй берган бўлса-да, уларга бефарқ қараб бўлмайди. Инсоннинг янглиқ учун, илм маърифат учун бўлган интилиши фильмда жуда ишонарли ва яққол акс эттирилган. Постановкачи А. Ҳамроев, оператор Д. Фатхуллин, рассомлар Э. Калонтаров ва Э. Пушчин ҳамда композитор Р. Вильданов ўртоқлар фильм устида жиддий ижодий иш олиб борганликлари яққол кўзга ташланади. Сценарий муаллифлари ҳаммага манзур мавзу танлаганлар.

В. ФРОЛОВА — Ленинграддаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли газ аппаратлари заводининг контролёри.

Улуғ Ленин шаҳри ҳар гал, ҳар сафар Ўзбекистон нафасини сезиб турибди. Қуёшистон деб аталмиш сизнинг республикангиз билан Ленинград шаҳри меҳнат аҳлининг алоқалари чамбарчас боғлангандир. Биз ўзбек эли учун жуда кўплаб газ плиталари, колонкалари ишлаб чиқаряпмиз. Айни вақтда Ўзбекистондан зарур бўлган ноз-неъматларни, бошқа буюмларни олиб турибмиз. Пахтадан тўқилган хилма-хил газламалар, кийим-кечаклар миллион-миллион юракларни иситмоқда.

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб Ленинградда ўтказилаётган ўзбек кинофильмлари кўриги муваффақиятли давом этмоқда. Кино санъатини шу қадар юксакликка кўтариш учун тинмай ғамхўрлик қилаётган Ўзбекистон партия ва ҳукуматига ленинградликлар чин қалбдан ташаккур изҳор этадилар.

* * *

Ўзбек кинофильмларининг ғоявий-бадиий савияси, ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги ҳақида ленинградлик баъзи томошабинларнинг юрак сўзлари юқоридагилардан иборат. Бу номларни тилга олинган кишиларнинг гина қалб сўзлари бўлмай, балки бутун Ленинград кино шинавандаларининг ҳам дилидаги гаплардир.

С. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ПАРВОНА

ЛАВҲА

Умриниса шаҳарга томоша қилгани борди-ю, лекин бутун фикр-хаёли қишлоқда эди. Фарзандлари уйда ёлғиз, фермада соғин сигирлар қолган... Кўнгли ғаш бўла бошлади:

— Кетаман, — деди тўсатдан умр йўлдоши Абдуллажонга.

— Нега? Бундоқ яйраб олсангчи, борарсан уйимизга.

— Йўқ, негадир юрагим қисяпти. Кетайлик.

Улар қош қорайганда уйга етиб келишди. Ҳафизахон қовоқлари солиқ, ғиналамсираган ҳолда уларни кутиб ўтирарди.

— Ҳа, тинчликми, Ҳафизахон? — сўради Абдуллажон.

— Умриниса опамда ишим бор эди.

Ҳафизанинг нима мақсадда келгани тезда аён бўлди. Унинг боқимидаги сигирлардан бири кечки соғинда челакни тепиб соғдирмабди. Ҳафизахон ана шунга хафа бўлиб, устози Умринисани излаб келган экан.

— Яхши боқилмагандир ёки сувсиз қолгандир, — деди Абдуллажон.

— Ҳозир биламиз нима бўлганини, — Умриниса отлана бошлади.

— Эрталаб борсанг бўлмайдими? — сўради Абдуллажон.

— Ҳозир соғилмаса бўлмайди, сигир безовталанади. Ундан кейин сути тортилиб қолади.

Устоз ва шогирд фермадаги сигирларни кўришди. Соғдирмаган сигирни Умринса синчиклаб кўздан кечирди. Силаб-сийпаб, унга қўшимча озуқа берди, сўнг сув тутди.

— Сиз сигирни урган кўринасиз. Уларни силаб-сийпаб ийдириш керак.

Фермада янги туққан сигирнинг бузоғи 12 кундан сўнг ажратиб боқилади. Демак, ўн учинчи куни сигир бузоқсиз ийдирилади. Бу иш сут соғувчига топширилади. Ана шу ийдиришда ҳам катта гап бор экан. Умриниса соғдирмаган сигирдан шогирдининг кўз олдида мўлжалдаги сутни соғиб олди. Соғишдан олдин силаб-сийпади, ўзига ром қилди.

Фермада шу йил бошидан бўён сигирлар «Даугава» аппарати билан соғилмоқда. Машина билан сут соғиш учун дастлабки сигирларни агрегатга ўргатмоқ керак. Аппарат елинга ўрнатилганда сигирларнинг қитиги келади, ёқтирмайди. Деспини меҳр билан ўргатяпти. Шунинг учун ҳам унинг шогирдлари устозининг маслаҳат ва кўрсатмаларидан бениҳоя мамнун бўлмоқдалар.

— Мен фермага ишга келганимга бир йилдан ошди, — деб ҳикоя қилади Заҳрочахон Ғиёсова. — Ҳозир 20 сигирни соғмоқдаман. Йил давомида уларнинг ҳар биридан 3 минг килограммга етказиб сут соғиб олиш учун курашяпман. Умриниса опамлар биз ёш сут соғувчиларга меҳрибон ва ғамхўр.

Умриниса опа ўз ишининг устаси бўлиб қолмасдан, шогирдларининг кўмакдоши, маслаҳатчиси ва раҳнамосидир. Уни Ленгўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози чорвадорларигина эмас, балки Наманган области сут соғувчилари ҳам ҳурмат билан тилга олмоқдалар. Чунки у ҳар бир сигирдан сут соғиб олишда областда байроқдор бўлиб боряпти.

Сут етиштиришни кўпайтириш асосан мустаҳкам озуқа базасига боғлиқдир. Колхоз чорвадорлари ҳозиргача 300 тонна сенаж тайёрлашди, 1400 тонна дағал хашак жамғаришди, 2350 тонна силос сотириш учун кўрсатишяпти. Бу йил колхоз давлатга 300 тонна сут топширади. Ана шунинг 50 тоннага яқинини Умриниса Аҳмадалиеванинг бир ўзи соғади.

Т. АЛИМОВ.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Муслим Магомаев ҚЎШИҚЛАРИ

Ажойиб овоз эгаси, Озарбайжон ССР халқ артисти Муслим Магомаев яна Тошкентимиз меҳмони бўлиб турибди. Шу кунларда Тошкентдаги «Юбилей» марказий спорт зали қўшиқ шинавандалари билан гавжум. Юзлаб тошкентликлар бу севимли санъаткор билан учрашишга, унинг жозибали қўшиқларини тинглашга ошиқмоқдалар.

Муслим Магомаев Озарбайжонда танилган композитор ва созанда бобоси Муслим Магомаевнинг номи билан бугун кенг томошабинлар оммасига танилди. Бу ажойиб санъаткорни озар элида ҳамма ҳурмат қилар, севар эди. Унинг набираси дунёга келганида ота-онаси ҳурматли бобосининг номини ёш Муслимга яхши ният билан қўйишади. Невара ҳам бобоси сингари таниқли санъаткор бўлиб, халққа хизмат қилсин, деб тахасиб қилишади.

Муслим Магомаев бобосининг юзини ерга қаратмади. У ҳам бугунги кунда фақатгина Озарбайжонда эмас, балки Иттифокимизда, ҳаттоки чет эл қўшиқ шинавандалари даврасида ҳам ном қозонди. Кенг қўшиқ мухлислари оммаси бу хушовоз хонанданинг тароналарини радио ва телевидение орқали, концерт саҳналарида мароқ билан тинглайдилар.

Муслим Магомаев Тошкентга бундан олти йил муқаддам ташриф буюрганди. Бир неча марта концертлар бериб, тушган маблағни шаҳримизни қайта тиклаш, янада обод қилиш фондига топширганди. Шу кунларда бу қўшиқчи яна ўз мухлислари билан учрашмоқда.

Муслим Магомаев «Музика — менинг ҳаётим, усиз бир дақиқа ҳам яшай олмайман» дейди. Ҳақиқатан ҳам у бутун умрини санъатга бахш этган. Муслим Магомаев эл севган қўшиқчи. У олера арияларини, халқ қўшиқларини, эстрада ва лирик ашулаларни мароқ билан ижро этади. Шу кунларда тошкентлик томошабинлар бу хонанда концертларини ҳузур билан томоша қилмоқдалар.

Ш. ЗАЙНУТДИНОВ.

Сўз—«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчисига

НЕГА ШУНДАЙ БЎЛДИ?

Яқинда ниҳоясига етган мағ- ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдириш ниятидамиз. Шахмат тожини қўлга киритгунга қадар асосий рақибларидан бирини стратегияда, иккинчисини тактикада, учинчисини техникада, тўртинчисини психологик тазйиқ кўрсатишда лол қолдирган Борис Спасский ҳаққоний равишда «универсал услубдаги ажойиб шахматчи» деган ном қозонди. Ҳар бир рақибга мослана олиш қобилияти бошқа гроссмейстерлардан кўра юқорироқ ривожланган Спасский шиддатли ҳужумда ҳам, қийин мудофаада ҳам, зиддиярли позициявий маневрларга бардош беришда ҳам устунлик қиларди.

«Аслида мен мушоҳидага мойил одамман, — деган эди Спасский. — Шунинг учун ҳам курашга интилиш менга хос эмас. Бироқ шахмат курашишни талаб этади, бинобарин, зарурат орқасида жангчига айландим. Шахматнинг ўзи одамни ҳаракатга чорлайди. Бир сафар фаоллик кўрсатишга, бошқа ҳолларда сабр-тоқат қилишга мажбур этади. Хуллас, шахмат характерни тарбиялайди». Спасскийнинг характеридаги ҳамма вақт бирдек ўзгармас фазилати матонатидир.

Матч бошланмасдан бир неча ой илгари, айниқса ўйинга учтўрт кун қолганда юз берган кўнгилсиз воқеалар ҳар қандай одамни ҳадди ҳам чиқариши турган гап эди. Ўша воқеалар даставвал Спасскийга тааллуқли бўлишига қарамай, совет гроссмейстери ҳаммасига чидади, заҳрини сочмади. Мусобақаларнинг тури кўп. Чунончи, ўзига қанча қийин бўлсаям, шахмат оламининг юзига оёқ қўйгиси келмади: шахмат аҳли икки забардаст гроссмейстернинг беллашувини ниҳоятда ортиқ даражада кутаётганини билмасмиди?!

Тож даъвогари қуюшқондан чиқиб кетди, чемпионга нисбатан ҳурматсизлик қилди. Чемпион бардош берди, матчни ташлаб кетмади. Бу ҳулқи билан исландияликлар, матч мутасаддилари ва барча мухлисларининг таҳсинига сазовор бўлди. Аммо ҳаммасига бардош бераверiб, ўзига қийин қилди: асабий мувозанатини анча йўқотди. Бу нарса кураш жараёнига таъсир қилмасмиди...

Лекин унинг мағлубиятига асосан шу нарса сабаб бўлди, дейиш ончалик ишонарли эмас.

«Менинг учун шахмат — аввало, ҳаққоний ўйиндир, — деган эди Спасский. — Бирор хатога йўл қўйдингми, албатта жазосини тортасан. Фақатгина шахматга хос эмас, балки инсон сифатида хато қилишнинг, чунончи, рақибни назар-писанд қилмаслик, енгилтаклиги оқибати шу бўлади. Бу жиҳатдан шахмат жуда қатъий, самимий ва менинг таъбиримча, ҳаққоний машғулотдир».

Фишердан нега дурангга тобингиз йўқ, деб сўраганларида, мен курашни севаман, бўлмаса шахмат ўйнашдан не ҳожат, деб жавоб берган эди. Машҳур композитор Рубинштейн: агар бир кун қўлим клавишга тегмай қолса, эртасига пианино чала олмайман, деган экан. Фишер бунга айтарли амал қилган бўлса, Спасский кейинги уч йил мобайнида мусобақаларда жуда кам ўйнади, назарий машқлар амалий кураш ўрнини боса олмади.

Турнирларда албатта ютиш, кўплаб рақиблардан устунлигини исботлаш, бинобарин, дадил ва ижодкорона ҳужум қилиш керак. Матчларда эса ҳамма вақт ўзини тута билишлик, вазминлик ва сабр-тоқат билан рақибни ҳайратда қолдириш муҳимроқ бўлади...

Спортда формага кириш, яъни курашга боп равишда шайланиш деган гап бор. Бунинг учун ҳам жисмоний, ҳам назарий, ҳам амалий тайёргарлик жойида бўлиши шарт. Спасский амалий жиҳатдан матчга тўла мосланмагани туфайли дастлабки хатоларга йўл қўйиб, анчагина очкони бой берди. Матчнинг иккинчи ярмида формага кира бошлаганда эса, ростмана қанот ёзишга улгура олмади — кураш ниҳоясига етиб қолди.

1966 йилги матчнинг ёпилиш маросимида жаҳон чемпиони Т. Петросян: яна уч йилдан кейин Б. Спасский билан тағин учрашсак ажаб эмас деб янглишмаган эди. 1969 йили тож Спасскийга ўтди.

Ўтган йили М. Ботвинник: асримизнинг етмишинчи йиллари Спасский билан Фишернинг бошқалардан яққол устунлиги билан ўтади деди. Якунланган матчда ўйналган партиялар бунинг яққол исботидир. Булар билан беллашишга тўла қуввати келадиган бошқа бирорта гроссмейстерни кўрсатиш қийин. Шу боисдан, келаси сафар ҳам тож таҳдири Фишер билан Спасский олишувида ҳал бўлса керак, дейишга ҳамма асос бор.

Эсингизда бўлса керак, 1960 йили Ботвинникдек улкан шахматчи 24 ёшли Михаил Талдан енгилган. Ҳисоб 12,5:8,5 бўлган эди. Бир йил ўтгач, Ботвинник Тални 12,5:7,5 ҳисобида енгиб, унвонини қайтариб олишга муваффақ бўлди. Ушанда Ботвинник 50 ёшда эди!

Яна уч йилдан кейин 38 баҳорни кўрадиган Борис Спасскийнинг айни ижодий кучга тўлган пайти бўлади. Ушбу матч сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришга, имкони борича навбатдаги натта курашга шайланишга улгуради.

Спасский — Фишер матчида ўйналган партиялар жаҳон шахматини ҳар жиҳатдан бойитди: узоқ вақтлардан бери баҳсга сабаб бўлиб келаётган айрим актуал вариантлар бир қадар тўғри ечимини топди, юксак маҳорат намойиш этилди ва айниқса шахмат шайлоларининг бениҳоя кўпайишига сабаб бўлди.

Кейинги чорак аср мобайнида жаҳонда энг илғор совет шахмат мактаби эришган ғалабаларнинг саноғига етиш қийин. Фишернинг ўзи ҳам шахмат сирларини совет гроссмейстерларидан ўрганганини яширмайди. Бир марта шахсий биринчиликни бериб қўйиш — совет шахмат мактаби шаънига қандайдир доғ тушди, деган гап эмас. Кейинги курашга пухта тайёргарлик кўрилса, сабоқдан тўғри хулосалар чиқарилса бас, ҳамма нарса яна ўрнига келади. Забардаст гроссмейстерларимиз сафи мустаҳкам. Спасскийга ўхшаш кучлар бизда кўп.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери, СССР шахмат федерацияси президиумининг аъзоси.

МЮНХЕН 72

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ 40 ОЛТИН МЕДАЛИ

Мюнхендаги олимпиаданинг охирги кунлари совет спортчилари учун катта муваффақиятли кунлар саналди. Утган ҳафтанинг охирги кунларида совет спортчилари олимпиада программасининг кўпгина турлари бўйича ғолиб чиқдилар. Спортчиларимиздан В. Манкин, А. Шапаренко, Ю. Рябчинская, Н. Горбачев ва В. Кратасюк олтин медаллар олишга эришдилар. Инки киши бошқарадиган байдарка бўйича Людмила Пинаева билан Екатерина Куришко олимпиада чемпиони олтин медалини қўлга киритдилар.

Енгил атлетикачимиз Николай Авилов ўн кураш мусобақасида 8454 очко тўплади ва жаҳон рекордини ўрнатди. Команда биринчилигида ғолиб чиққан қиличбозлар ҳам олтин медалга муносиб кўрилдилар. 1500 метрга югуришда Людмила Брагина жаҳон рекорди ўрнатди. Бу учқир қизнимизга ҳам олтин медаль берилди.

Совет волейболчилари ва футболчилари олимпиаданинг бронза медалларини олдилар СССР — АҚШ баскетболчилари турнирининг финал учрашувида совет командаси олимпиада чемпиони бўлди. Ўйин тугашига 3 секунд қолганда, ҳисоб 49:50 эди. Ҳал қилувчи ҳаяжонли дақиқалар командамизга олтин медаль олиб берди. Учрашув 51:50 ҳисобида тугади.

Классик кураш мусобақаларида совет полвонларидан Шомил Ҳисомуддинов ва Анатолий Рошчин ҳам олтин медаль олишди. Олимпиаданинг 14-куни тугаётганда, СССР терма командаси 34 олтин медалга эга эди. Якшанба куни кечга томон совет спортчиларининг олтин медаллари тағин ҳам кўпайиб кетди. Ваколларимизнинг олтин медали 40 тага етди. Бу — АҚШ командаси спортчилари олган олтин медалдан 13 та кўп.

Олимпиада футбол турнири ҳам тугади. Совет командаси 3-ўрин учун ГДР командаси билан ҳисобни 2:2 қилиб тамомлади. Қўшимча вақтда ҳам ҳисоб ўзгармади. Ўйин қондасига мувофиқ, ҳар икки командага бронза медаллар берилди. Польша командаси олтин медаль ва Венгрия командаси кумуш медаль олди.

* * *

СССР — Канада командалари хоккей учрашувининг 4-ўйини совет спортчилари фойдасига 5:3 ҳисобида тугади. Эндиги ўйин Москвада бўлади.

* * *

Мамлакатимиз олий лига командалари даврасида қизиқарли футбол ўйинлари бўлди. Москва армиячилари «Карпат» командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Москва спартаччилари билан ростовлик армиячилар ўйинида ҳисоб очилмади. Утган ҳафтанинг охирида бўлган учта учрашувда кучлар тенг келди: локомотивчилар Тбилисининг динамочилари билан ўйинни 2:2 ҳисобида тамомладилар, минсклик динамочилар ва «Нефтчи» учрашуви 1:1 натижа билан тугади. Зенитчилар ва днепрчилар ўйинида ҳар икки томон дарвозасига иккитадан тўп киритилди.

Жаҳон бўйлаб

ИСРОИЛ АГРЕССИЯСИ ҚОРАЛАНМОҚДА

БАЙРУТ, 11 сентябрь. (ТАСС). Ливан ҳукуматининг республика президенти С. Франжье раислигида шошилинч мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Исроилнинг Ливанга ва Суорияга қарши қилаётган тажовузларига таллуқли масалалар муҳокама қилинди. Бу ерда эълон қилинган хабарда айтилишича, С. Франжье «Тель-Авивнинг бутун дунё кўзи олдида қилаётган ваҳшиёна ҳаракатларини қаттиқ қоралаган». Ливанга нисбатан, деди президент, маданий дунёнинг энг оддий принципларини бузган холда яна тажовуз қилимоқда. Бомбардимонлар натижасида ҳеч бир гуноҳсиз хотин-қизлар ва болалардан иборат граждан аҳоли шикастланди. Ҳақиқатан мудхиш ва ёвуз жиноят қилинди, деди Ливан президенти, Хассбайя ва Дайрал-Ашоир аҳолисига қарши яқиндагина қилинган агрессиядан сўнг бу сафар Рашайя ал-Водий, Рафид ва Нахрал-Барад аҳоли пунктларига ҳужумлар қилинди. Сурияга ҳам зарбалар берилди.

Президент Франжье Мюнхенда яқинда бўлиб ўтган ва одамларни қурбон бўлишига олиб келган маълум воқеалар ҳақида афсус билдириб, бу воқеаларга Ливан ҳам алоқадор деган гапларнинг ҳаммасини рад этди.

ДАМАШҚ, 11 сентябрь. (ТАСС). Бугун Сурия ташқи ишлар министрлигида ўтказилган матбуот конференциясида эълон қилинган баёнотда, Исроил авиациясининг 8 сентябрдаги ҳужумлари олдиндан ишлаб чиқилган ва планлаштириб қўйилган тажовуз эканлиги ўқтириб ўтилди.

Агрессор шу тажовуз чоғида биринчи галда тинч аҳолига зарба берди, дейилади баёнотда. Буни бомбардимон қилинган жойларнинг ўзи ҳам, шунингдек аҳоли дам олаётган вақтда ҳужум қилинганлигининг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, Исроил самолётлари бомбардимон қилинган аҳоли пунктларига белгилаб қўйилган вақтда портлайдиган бомбалар ташлаб, бу билан қутқариш ишларини олиб боришни мураккаблаштириб юборди.

Сурия ташқи ишлар министрлигининг вакили журналистларнинг саволларига жавобан, Исроил ҳарбийларининг Сурияга ва Ливанга қарши янги агрессияси агрессорга қарши энг кескин чоралар кўрмоқ учун Хавфсизлик Кенгаши аъзолари назарида етарли асос бўла олади, деб ишонч билдирди Исроилни қоралаш билан, деди у, биз уни ҳимоя қилаётганларнинг ва Тель-Авив экстремистларига мадад бераётганларнинг ҳаммасини ҳам қоралаймиз.

БЕЛГРАД, 11 сентябрь. (ТАСС). Югославия матбуоти Сурия ва Ливандаги аҳоли пунктларини Исроил авиацияси жиноятқорона бомбардимон қилаётганлигини кескин қоралямоқда.

«Исроилнинг расмий сиёсати ўзининг энг ёмон жиҳатларини яна бир марта яққол кўрсатди», — деб ёзади ўзининг шарҳларида «Борба» газетаси. «Фаластиндик қочоқларнинг манзилларига осмондан шафқатсиз ҳужумлар қилинди. Ҳимоясиз аҳоли аёвсиз ўққа тутилди. Бу ҳужумдан сўнг ҳеч бир гуноҳсиз ўлдириб кишилар ҳалок бўлди», дейилади газетанинг шарҳларида.

ҚОҲИРА, 11 сентябрь. (ТАСС). Миср ҳукуматининг расмий вакили бу ерда гапириб, «Араб мамлакатлари Сурия ва Ливанга нисбатан Исроилнинг агрессияси гуноҳсиз ва ҳимоясиз кишиларга қарши атайин қилинган ҳужум эканлигини фактлар жуда яққол кўрсатиб турибди», — деди. «Исроилнинг жиноятлари, — деди у, — Исроил экстремистлари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча қарорларини назар-писанд қилмаслик ҳамда фаластинлик араб халқининг тортиб олинган ҳуқуқларини қайтариб беришдан бўйин товлаш мақсадида қилинаётган сиёсатнинг давоми бўлмоқда».

Сўнгра Миср ҳукуматининг вакили бундай деди: Агар Исроил «Сурия ва Ливандаги қочоқларнинг лагерларига қарши тажовузлар қилиш билан ҳақиқат овозини бўғиб ташлайман ва фаластинликларнинг ўз ҳуқуқларини батамом қайта тиклаб олиш истагини йўққа чиқараман», деб ўйлаётган бўлса, бу билан катта хато қилаётир.

Миср ҳукуматининг расмий вакили Исроилнинг юқори ҳукмрон доираси ўтказаётган агрессия йўлни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган АҚШ ҳукуматининг сиёсатини танқид қилди.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

СОФИЯ. Варна округидаги саноат корхоналарининг коллективлари олтинчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар саккиз ой ичида мамлакатга пландан ташқари 7,7 миллион левлик маҳсулот бердилар. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 21 миллион левлик ошди.

Социалистик мусобақа округда муваффақиятли ишлашнинг ҳал қилувчи омили бўлди. Социалистик мусобақанинг асосий йўналишларидан бири меҳнатни ва бошқаришни илмий ташкил қилишни ишлаб чиқишга ва жорий этишга қаратилгандир. Рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракати кенг қулоч ёзди. Завод ва фабрикаларда машина-ускуналар модернизация қилинмоқда, ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси жорий этилмоқда.

БУЮРТМАЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

БЕРЛИН. Эрфуртдаги «Умформтехник» комбинати Совет Иттифоқининг буюртмаси билан автомат пресслар туркумини тайёрлашни тугаллади.

Эрфуртдаги комбинатнинг 10 минг ишчи ва хизматчиси Тольятти шаҳридаги Волжск автомобиль заводида ўрнатилиши лозим бўлган бошқа автомат линияларни муддатида ишлаб чиқариш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоқда. Ҳозирги вақтда корхонада Камадаги юк автомобиль заводи учун машина-ускуналар ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Комбинатнинг инженерлари ва конструкторлари Совет Иттифоқидаги ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлардаги 14 та илмий-тадқиқот институти билан маҳкам ҳамкорлик қилиб турибдилар.

ШОНЛИ ЙИЛЛИК БЕЛГИСИ ОСТИДА

ВАРШАВА. Варшавадаги Совет маданият уйида СССР ташкил этилганлигининг 50 йил лигига бағишланган совет фильмлари фестивали бошланди. Поляк томошабинлар қардош совет республикаларининг кинематографчилари яратган фильмларни кўрадилар, шунингдек ижодий мунозараларда қатнашадилар, икки мамлакатнинг кинематография соҳасидаги ҳамкорлигига оид докладлар тинглайдилар.

Совет фильмлари халқ Польшасида ғоят машҳур бўлмоқда. Ҳозир совет киноси анъанавий кунларига кенг тайёргарлик кўрилмоқда. Совет киноси кунлари ноябрь ойининг дастлабки кунларида ўтказилади.

ОЗУҚА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

УЛАН-БАТОР. Шу кунларда Монголия даштларида моторларнинг гувиллаши, сенокосилкаларнинг шовқини тинмаётир. Пичан тайёрлаш халқ хўжалиги кампанияси айни авжида. Монголия Халқ Республикаси Марказий статистика бошқармасининг ахборотига кўра, ҳозиргача республикада 220 минг тонна пичан тайёрланган. Иссиқ ва қуруқ келган ёз ва шундан кейин тез-тез бўлиб турган ёғингарчилик пичан ўриш ишларининг нормал боришига халақит берди. Шу сабабли давлат хўжаликлари, қишлоқ хўжалик бирлашмаларининг меҳнатчилари ҳар бир қулай соатдан унумли фойдаланмоқдалар. Баян-Хонгор, Кобдо ва Убсунур аймоқларида пичан тайёрлаш ишлари айниқса муваффақиятли олиб борилмоқда.

(ТАСС).

ҲХДР. Республика халқ хўжалигининг тараққиёт плани (1971 — 1976) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни икки баробар кўпайтиришни кўзда тутади. Шу муносабат билан Саривон шаҳрида йирик тўқимачилик комбинати қурилмоқда. Тўқимачилик фабрикаларида ишлатиладиган пахтанинг бир қисми СССРдан келтирилмоқда. Суратда: йигирув фабрикасининг цехларидан бири да.

П. Коновалов фотоси. (ТАСС).

ИСРОИЛ ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ

БАЙРУТ, 9 сентябрь. ТАСС мухбири Л. Вольнов хабар беради: «Исроил томонидан Ливанга ва Сурияга қарши қилинаётган янги тажовузлар араб жамоатчилигини ғазаблантирмоқда. Шу икки мамлакатдаги фаластинлик қочоқларнинг лагерларига ва аҳоли пунктларига Исроил авиацияси томонидан кеча қилинган ҳужумлар натижасида, дейилади Байрут матбуотининг хабарларида, 61 киши ўлдирилди, 200 дан кўпроқ киши яраланди. Буларнинг кўплари хотин-қизлар, болалар ва қариялардан иборат.

Ливан ҳукумати кеча кечқурун бўлиб ўтган фавқулодда мажлисда Исроил агрессияси устидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига шикоят юборишга қарор қилди.

Осмон қароқчиларининг Ливан территориясига ҳужумига доир тафсилотлар матбуотда хабар қилинмоқда. Кеча соат 17 дан 30 минут ўтганда Триполи яқинидаги Албарид қочоқлар лагери атрофида реактив двигателларнинг шовқини пайдо бўлиши билан осмонда 12 та самолёт учиб келаётганлиги кўринди. Қочоқлардан ҳеч ким ҳужум бўлади, деб кутмаган эди, ҳамма Ливан учувчилари ўзларининг одатдаги машқларини ўтказаётирлар деб ўйлаб, ўзларининг навбатдаги ишлари билан машғул эди. Тўсатдан самолётлар бир айланиб ўтиб, лагернинг жанубий қисмига ракеталар ва ўқлар ёғдира бошлади. Бу бомбардимон 20 минут чамаси давом этди. Самолётлардан ташланган секин портловчи бомбалар ҳар ярим соатда портлай берди. Бомбаларнинг портлаши ярим кечагача давом этди. Натижада қочоқларнинг бу лагерида 6 киши ўлди ва 24 киши яраланди. Шулардан 12 киши оғир ярадор бўлди.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК БЎЛСИН

КПСС XXIV съезди эълон қилган тинчлик программаси муваффақиятли амалга ошириб борилаётганлиги Европа қитъасидаги аҳволни сезиларли даражада яхшилади. Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг Қримда бўлиб ўтган учрашувида таъкидлангандек, ҳозир Умумевропа кенгашини амалда тайёрлай бошлаш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Ушбу кенгаш Европада мустаҳкам тинчлик яратиш йўлида муҳим қадам бўлиб қолишига даъват этилган.

Яқинда Хельсинкида шимолий мамлакатлар — Дания, Норвегия, Финляндия ва Швеция ташқи ишлар министрларининг учрашуви бўлиб ўтди. Министрлар бундай кенгаш ҳеч кечиктирилмай ўтказилмоғи лозим, деган фикр билдирдилар. Улар кенгашнинг кўп давлатлар иштирокида тайёрланишида актив қатнашмоққа тайёр эканлиларини билдирдилар. Бундай тайёргарлик ноябрь ойида Финляндия пойтахтида бошлаб юборилмоқчи. Ҳозирги вақтга қадар Европадаги 28 мамлакат, шунингдек Канада ва АҚШ Умумевропа кенгаши ўтказилишини қўллаб-қувватлаб турибди.

Кейинги йилларда тузилган бир қанча халқаро битимлар, социалистик мамлакатларнинг фикрига кўра, Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги проблемалари кўп давлатлар иштирокида ҳал этилмоғига замин қилиб қўйилиши мумкин. СССР ва ПХР билан ГФР ўртасида тузилган шартномалар, Ғарбий Берлин хусусида тузилган тўрт томонлама битим ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги тараққиёт натижасида Европа қитъасида вужудга келган территориал ва сиёсий воқеликларни тан олиш заруратидан келиб чиқади. Германия Демократик Республикасининг мавжудлиги, ана шундай воқеликлардан биридир. Республиканинг халқаро майдонда тутган позицияси тобора мустаҳкам бўлиб бормоқда; кейинги кунлардаги воқеалар шундан далолат беради.

Шу ҳафта Берлинда тугаган музокаралар натижасида Финляндия билан ГДР ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида тузилган битим имзолаш учун тайёрлаб қўйилди. ГДР билан Швейцария бир-бирларига савдо-сотиқ миссиялари юбориш тўғрисида тузган битим яқиндагина кучга кирди. Ушбу миссиялар консуллик вазифаларини ҳам адо этадилар. Швеция, Дания ва Ғарбий Европадаги бошқа бир қанча давлатларнинг мўътабар сиёсий кучлари ГДР халқаро ҳуқуқий жиҳатдан тан олинишини ёқлаб чиқмоқдалар.

ГДР билан халқаро-ҳуқуқий асосда нормал муносабатлар ўрнатилиши, шунингдек унинг (ГФР билан биргаликда) БМТга қабул қилиб олиниши Европадаги вазият янада тургунлашувига ва тинчлигинг мустаҳкамланишига ёрдам беражагига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

БРАЙТОНДАГИ КОНГРЕСС

4 сентябрдан 8 сентябргача Брайтонда Британия тред-юнионлари (БКТ) нинг йиллик 104-конгресси бўлиб ўтди. Касаба союзларининг тори (консерваторлар) ҳукумати жорий этган ишчиларга қарши қонунини бекор қилиш учун олиб бораётган кураши масаласи конгресс делегатларининг диққат марказида турди. Мамлакатда ҳукмрон доираларнинг социал сиёсатидан норозилик кучайиб бормоқда, меҳнат билан капитал ўртасидаги олишув тобора кескинлашиб ва кенг қулоч ёйиб бормоқда. Англия монополиялари нарх-навони кўтариш ҳамда ишсизликни кўпайтириш йўли билан Буюк Британия бошига тушган валюта-молия танглиги ва бошқа иқтисодий мушкулликларнинг бутун оғирлигини ҳукумат кўмагида меҳнаткашлар гардонига туширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Э. Хит кабинети «Саноатдаги муносабатлар» тўғрисидаги ҳамда «Уй-жой қурилишини маблағ билан таъминлаш» тўғрисидаги икки қонунни айни шу мақсадда парламентда тасдиқлатиб олди. Шулардан биринчи қонун касаба союзларини забастовка қилиш ҳуқуқидан амалда маҳрум қилиб қўяди ва уларнинг фаолиятини маъмурлар тўла назорати остига бериб қўяди, иккинчиси эса миллион-миллион оддий инглизлар учун квартира ҳақи яна анча оширишини билдиради.

Буюк Британия тред-юнионлари Брайтондаги конгресс минбаридан туриб «Саноатдаги муносабатлар» тўғрисида чиқарилган ва ишчиларнинг манфаатларига қарши бўлган қонунга қатъий зарба берилишини ёқлаб гапирдилар ҳамда меҳнаткашларни маъмурларнинг ушбу реакцион қонуни бекор қилиниши учун умуммиллий кампания бошлашга даъват этдилар.

Тред-юнионлар конгрессининг яқунловчи ҳужжатлари мамлакат қаётида катта воқеа бўлиб, Англияда ишчилар ҳаракати кенг қулоч ёйганлигининг оқибатида БКТда сезиларли равишда сўл тамойил бурилиш юз берганлигини кўрсатади. Конгресс ўз мажлисларидан бирида бундан 38 йил аввал қабул қилинган ва йиллик касаба союз съездларида коммунистлар ўз делегатларини сайлашларини тақиқловчи шармандали қарорни ниҳоят бекор қилди.

Брайтонда қабул қилинган қарорлар ўз сафларида ўн миллионга яқин меҳнаткашни бирлаштирган Британия касаба союзлари ҳозирги ҳукмрон доираларнинг ички, шунингдек ташқи иқтисодий сиёсатига нисбатан равшан ва аниқ оппозицияда эканлигини яққол кўрсатади. Консерваторлар ҳукумати тутаётган халққа қарши йўл Англия ишчилар синфининг ўсиб бораётган актив қаршилигига дуч келмоқда.

БМТДА МУҲИМ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Яқинда БМТнинг мустамлакачиликни тугатиш махсус комитети қабул қилган резолюцияни Пуэрто-Рико ватанпарварлари ва бутун дунёдаги прогрессив жамоатчилик мамнуният билан қутиб олди. Бу резолюцияда «Пуэрто-Рико халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақилликдан иборат ажралмас ҳуқуқи» таъкидланади. Бу қарор Америка дипломатиясининг жиддий мағлубиятга учрагаллигини билдиради. У Пуэрто-Рико масаласи БМТда муҳокама этилишига кўп йиллардан бери ҳар хил баҳоналар ишлатиб йўл қўймай келар ва буни «АҚШнинг ички ишларига аралашиш» деб кўрсатишгача бориб етган эди. Бундай тактика Вашингтон қарийб уч миллионли Пуэрто-Рико халқи бошига солган фожиона тақдирни жаҳон жамоатчилигидан яширишни мақсад қилиб қўяр эди.

Қўшма Штатлар 1898 йилда Пуэрто-Рикони босиб олиб, унга ўз мустамлакасига айлантирди ва мамлакатнинг табиий бойликларига ҳўжайин бўлиб қолди. Қўшма Штатлар Ғарб денгизидаги шу кичик оролни ўз монополияларини бойиш манбанга, стратегик жиҳатдан эса Латин Америкаси халқлари миллий озодлик ҳаракатларини бостириш учун муҳим майдонга айлантирди. Ҳозирги вақтда бу ерда Американинг 12 та ҳарбий базаси ва машқ лагерлари, атом қуроли ва водород қуроли омборлари, ядро каллакли ракеталар отиладиган майдонлар, «В-52» оғир бомбардимончи самолёт аэродромлари жойлашган.

Оролдаги мустамлака тартибларини ниқоблаш учун 1952 йилдан бошлаб Пуэрто-Рико «АҚШга эркин қўшилган давлат» деб атала бошлади. Лекин бу гап ҳеч нарсани ўзгартиргани йўқ. Мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг ҳамма масалалари ҳамон Вашингтонда ҳал этилмоқда. АҚШда яшаётган пуэрториоликлар эса иккинчи сорт граждалар деб ҳисобланиб, ирқий жиҳатдан камситилмоқда. Пуэрто-Рико публицисти М. А. Гонсалес менинг Ватаним — «Қўшма Штатларнинг катта-катта монополиялари эксплуатация қилаётган мустамлакадир», деб аламситам билан ёзганди.

Ҳозир Вашингтон Пуэрто-Рикони АҚШнинг «51-штати» деб эълон қилишга ва унинг мустамлака аҳолини шу йўл билан абадийлаштиришга қаратилган янги бир найрангини ўйлаб чиқарди. Айни маҳалда мамлакатда ўз ватанининг мустақиллиги учун курашаётган демократик ва ватанпарвар кучларга қарши террор кучайтириб юборилди. Аммо Пуэрто-Рико ватанпарварлари таъқиб этиш, қотиллик ва қамашларга қарамай мамлакатни янқилар мустамлака зулмидан озод этиш учун олиб бораётган курашини тўхтатмаётир.

БМТ мустамлакачиликни тугатиш махсус комитетининг қарорида замон талаби — мустамлака системаси ўзил-кесил барбод этилиши муқаррарлиги ўз аксини топди. Пуэрто-Рико халқига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқи берилмоғи керак.

МАДАГАСКАРДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ЗАРУР

Шу кунларда Тананариведа Малагасия республикаси демократик кучларининг миллий конгресси бўлиб ўтмоқда. Шу мўътабар анжуман қун тартибига туб социал-иқтисодий ўзгаришлар зарурати, чет эл монополиялари билан тузилган ва тенг ҳуқуқли бўлмаган битимларга ортиқ тоқат қилиб бўлмаслиги, шунингдек Мадагаскар территориясидаги чет эл ҳарбий базаларига ортиқ тоқат қилиб бўлмаслиги каби асосий масалалар қўйилди. Конгресс ҳушда касаба союзлар, студентлар, шунингдек мамлакатнинг оппозицияда турган энг мўътабар прогрессив партиясы — Мадагаскар Мустақиллик Конгресси партияси (АКФМ) нинг вакиллари қатнашмоқда.

Мадагаскар 1960 йилда мустақилликка эришди. Аммо мамлакат шу йиллар мобайнида собиқ мустамлакачиларга тамомила қарамлигича қолаверди. Президент Ф. Ципранана ҳукумати капиталистик мамлакатлар йўлидан бориш сиёсатини ўтказиб келди, Малагасия экономикасига чет эл капиталини кенг кўламда жалб қилишни ёқлайверди. Натижада чет эл банклари ва компаниялари мамлакат хўжалигининг асосий соҳаларини ўз қўл остиларига ўтказдилар. Ташқи ва ички савдо-сотиқни назорат қила бошладилар. Жанубий Африка, Ғарбий Германия, Америка ва Япония капитали Мадагаскарга тобора кўпроқ кириб келди.

Президент Ципрананинг халққа қарши сиёсати студентлар, ишчилар ҳамда давлат муассасалари хизматчиларининг оммавий ғалаёнларини вужудга келтирди ва натижада шу йилнинг май ойида ороллдан иборат шу давлат ҳукумати ўзгартирилди. Шундай қилиб, генерал Г. Рамананацуа бошчилигидаги ҳарбий ҳукумат ҳокимият тепасига келди. Янги ҳукумат Ципранана ўтказиб келган ирқчи Жанубий Африка республикаси билан «мулоқот» сиёсатини рад қилди ва Африка Бирлиги Ташкилоти билан муносабатларни яхшилаш йўлида муайян одимлар ташлади. Ҳукумат баъзи бир ижобий ислоҳотлар ўтказди (сайлаш ҳуқуқини 21 ёшдан 18 ёшгача пасайтирди, бир қанча солиқларни бекор қилди), шунингдек демократик эркинликларга гарантия беришни ҳамда янги конституция ишлаб чиқишни вазда қилди.

Аммо мана шу ярим-ёртқ чоралар Мадагаскар олдида турган барча мураккаб проблемаларни ҳал қила олгани йўқ. Мамлакат ҳамон чет эл монополияларининг эўравонлиги вужудга келтирган иқтисодий қийинчиликларни кечирмоқда. Ҳозирда ҳам энг яхши ерлар оқ танли мустамлакачиларга қарашли бўлиб қолмоқда, айни маҳалда деҳқонларнинг аҳволи ниҳоятда оғир. Меҳнаткашларга кўпфатандуҳ бўлмиш ишсизлик яқотилгани йўқ, пул қадрсизланиб бормоқда.

Мана шу вазиятда Мадагаскар демократик кучлари ҳукуматга мурожаат қилиб, меҳнаткашларнинг кенг оммаси манфаатларини кўзлаб туб социал-иқтисодий ўзгаришлар ўтказишни тезлаштиришга даъват қилмоқда. Демократик кучларнинг Тананариведа ўтказилаётган ҳозирги конгресси айни шу мақсадни кўзлайди.

В. СЕРОВ, Е. БАБЕНКО, А. КОЗЛОВ, В. ПОЛИКАРПОВ. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА, 17.50 — ТОШКЕНТ. 17.55 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.00 — Ахборот, 18.35 — Қардош халқлар адабиёти. Қозоқ шоирларининг янги таржималари. 19.15 — Совет киноси усталари, 20.15 — Ахборот, 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 21.10 — Озарбайжон санъат усталарининг концерти. 21.50 — Декада кундалиги. 22.00 — МОСКВА, 22.30 — ТОШКЕНТ. **Дипломат** (телеспектакль).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — МОСКВА ва ТОШКЕНТ КЎРСАТУВЛАРИ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильм. 21.10 — Тошкент янгиликлари. 21.20 — **Меҳрибон кишилар орасида** (бадиий фильм, талабларга мувофиқ).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IX да **Олтин девор**, 13/IX да **Бой ила хизматчи**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Усмирлар (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Анжелика ва қирол; Анжелика — фаришталар маликаси (кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да). **Омадли жентельменлар** (кеч соат 9 ва 10 яримда): «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Алангали сўқмоқлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА» (жуфт соатларда). НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), САНЪАТ САРОЙИ. «КУКЧА», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Сайҳа (2 серия) — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Петербург билан хайрлашув — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Даурия (2 серия) — МОСКВА» (кундуз соат 3 ва кеч 8.40 минутда).

Майерлинг — «МОСКВА» (кундуз соат 12 ва кеч 6 да).

ЯЗГИ БИНОДА

Анжелика ва қирол; Анжелика — фаришталар маликаси — «ФЕСТИВАЛЬ».

Алангали сўқмоқлар — «ХИВА».

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
САНЪАТ САРОЙИДА
12, 13 сентябрь кеч соат 8 яримда
Есин АФШАР иштирокида
ТУРКИЯ АРТИСТЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТИ
Билетлар сотилмоқда.

Экспериментал ихтисослаштирилган ремонт ишлаб чиқариш корхонасининг (СРПП заводи)
МАРКАЗИЙ БАЗАСИГА
токарлар, фрезерчилар, йўнувчилар, токарь-карусельчилар, насос қурилмалари ва саноат ускуналари ремонти бўйича ремонтчи-слесарлар, металл конструкцияларини тайёрлаш бўйича слесарлар, механика-йиғув ишлари (асбоб тайёрловчи) слесарлари, электродвигателлар, трансформаторлар ва аккумуляторлар ремонти бўйича 3-6 разрядли электрослесарлар, юқоридаги мутахассисликлар бўйича шогирдлар
КЕРАК
Меҳнат ҳақи — ишбай.
Ишчиларга завод транспорти хизмат кўрсатади.
Ёлғиз кишилар ётоқхона, оиллаликлар икки йил ичида турар-жой билан таъминланадилар.
Мурожаат учун адрес: Бектемир поселкаси, Лихачев кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг экспериментал биология институти коллективи шу институтнинг директори ва экспериментал биология институтининг бўлим бошлиғи академик М. В. Муҳаммаджонова опаси
Муҳтарам АБДУЛЛАЕВАнинг
оғир касаллигидан сўнг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000 ГСП Тошкент «Правда Востока» кўчаси № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача ◆ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ◆ ИНДЕКС 64697. Р. 03673. Б. — 214.